



Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 68—69.


(2488—2489).

1992 йил

15 ИЮЛЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СУМ.



Милиция олий мактабида таълим олаётган талабалар учун шароитларни яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда. Улар замонавий ҳисоблаш машиналари билан таъминланган бўлиб, юқори малакали ўқитувчилар таълим беради.

СУРАТЛАРДА: Политология ва фалсафа фанлари доктори ички хизмат майори, ўқитувчи Бердиқул Тўйчиев, (пастда) ички хизмат майори, ўқитувчи Андрей Коляко талабалар билан машғулотда.

Суратларни Б. МИРЗАРАҲИМОВ тайёрлаган.

МИНГ РАҲМАТ!

Қишлоқ ҳаёти ўзингизга маълум. Ҳар йили ипак қурти боқамиз. Табиийки тут барги бу пайтда олтин билан баробар.

Ўғлим Абдураззоқ ҳам ана шу баргни талашиб жабрланди. Аниқроғи тутзор оралаб юрган молларни ҳайдамоқчи эди ўша кун. Бироқ уларнинг эгалари Абдураззоқни ўласи қилиб калтаклашга тушди. Уни қонга белаб жуфтани ростлашган. Иттифоқо воқеадан ярим соатларча вақт ўтгач, Ўзбекистон тумани ИИБ ходими

милиция сержанти Исломуҳжа Мансуров чалажон ётган Абдураззоқни кўриб қолиб ўз мотоциклида касалхонага элтди.

Агарда И. Мансуров бир неча дақиқа кечикканида ўғлимнинг аҳволи не кечарди, фақат худога аён.

«Пастда» рўзномаси орқали, мен И. Мансуровга ўз миннатдорчилигимни изҳор этмоқчиман. Оиламиз номидан Исломуҳжа Мансуровга қўлимиз кўксимизда минг бор раҳматлар айтамыз.

Н. САТТОРОВ.

ЖАМҒАРМА БАНКИДАГИ ПОРАХЎРЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг тергов бошқармаси жамғарма банкнинг Самарқанд район жамғарма банкнинг бўлимида иш қуриб олган бир гуруҳ порахўрларга қарши жиноий иш юзасидан терговни тугаллади. Улар уй-жой қурилишига узоқ муддатли қарз берганлари учун одамлардан катта миқдорда пора олишган ҳамда давлат маблағини алоҳида кўп миқдорда талаш билан шуғулланишган. Ишнинг баёни 100 томдан ортиқроқ бўлиб, ҳозир суд-

да улар билан танишиш бошланди.

Тергов давомида 700 мартадан кўпроқ пора олингани, уларнинг умумий миқдори 411 минг сўми, давлатдан умарилган пул эса 44 минг 500 сўми ташкил этгани маълум бўлди.

Терговни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, милиция подполковниги Қ. Султонова бошлиқ 13 кишидан иборат махсус гуруҳ олиб борди.

М. ТУРОБЖОНОВ.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ

Камоланинг фожiasi.

3-БЕТ

Бизлар, қариндош-уруғ, фарзандлари, сингиллари ва онаси шикоят қилиб борсак Алимқулов билан вилоят прокуратурасида ишлайдиган Қўчқор Ҳозиев деган киши пўписа қилиб: «шикоят қилманглар, қўлларингдан

ҳеч нарса келмайди, сизларни ҳам Суюндай қилиб ис-сиз йўқотамиз», — деб ари-замизни ҳам олмади.

4-БЕТ

Кейинги ойлار мобайнида содир бўлган жиноятлар орасида иккита қотилликни эс-га олишади. Бирини су-ри-лиш материаллари бирлаш-масида, иккинчиси...

5-БЕТ

Улар Тошкент товар стан-циясида тўхтаган контейнер-ларнинг муҳрини бузиб очиб, катта миқдорда қимматбаҳо буюмларни ўмарилган «их-тисослашган» эканлар.

6-БЕТ

«Гонконгдан жўнатилган тобут».

7-БЕТ

Жалолқудуқликлар товуқ шўрва ичишганда қўрғонте-палликлар улардан паст кел-гиси келмаганга ўхшайди. Улар ўзаро тил бириктириб Фаридахоннинг 10 минг сўм-лик сигирини етаклашган.

8-БЕТ

Хўроз ўлимга маҳкум этилди ва ҳукм ижроси ўша заҳоти ижро қилинди.

Вазирлик плани амалда

Республикада, шу жумладан Фарғона водийсида опе-ратив вазиятни барқарор-лаштириш юзасидан Ўзбеки-стон Республикаси ички иш-лар вазири тасдиқлаган планга кўра 29 июнь кун Андижон вилоят ички иш-лар бошқармасида вазирнинг биринчи ўринбосари мили-ция генерал-майори Г. Р. Раҳимов раислигида Фарғо-на водийси ички ишлар идо-ралари раҳбарларининг опе-ратив кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида Қирғизистон Республикаси Ўш ва Жало-лобод вилоят ИИБларининг бошлиқлари, шунингдек минтақа ҳокимият ва бошқа-рув идораларининг раҳбар-лари иштирок этдилар. Кен-гашда минтақада оператив вазиятни янада барқарор-лаштириш юзасидан Фарғо-на водийси ички ишлар ҳу-дудий идоралари ва ИИБ маҳкамаларининг вазифа-лари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Муҳомадада Ўзе-бекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбоса-ри милиция генерал-майори У. А. Абдуғаниев ва мили-ция полковниги Т. С. Мурот-хўжаев, ИИБ Штабининг бошлиғи ички хизмат под-полковниги Ш. М. Мавлонов, жамоат тартибини муҳофа-за қилиш бошқармасининг бош-лиғи милиция полковниги Қ. К. Тошмуҳаммедов, ИИБ профилактика хизмати бош-қармасининг бошлиғи мили-ция полковниги Қ. Х. Назар-ов, виза ва рухсатномалар бериш бўлимининг бошлиғи милиция подполковниги Г. С. Пўлдошев, ички сафар-барлик иши ва фуқаро му-дофааси бўлими бошлиғи ич-ки хизмат полковниги Н. И. Рақитский, шунингдек Қир-ғизистон Республикаси ИИБ бошқармаларининг бошлиқ-лари иштирок этдилар.

Маърузачи ва сўзга чиқ-қан бошқа нотиблар ички ишлар идораларининг шах-сий тартиби жиноятчилик анча кўпайганлиги туфайли оғир шароитда ишлатилгани-ни таъкидлаб ўтдилар. Шу-нинг учун вазирлик ва унинг қарамонда бўлган ИИБ кадрлар тартибини мустақ-камлаш, инсон омили роли-ни ошириш муаммоларини

ҳал этишларига тўғри кел-ди. Жиноий жиҳатдан фаол бўлган ишловчи, илгари судланган, гиёҳванд, ароқ-хўр бўлмиш кўплаб киши-ларга нисбатан профилакти-ка ишлари олиб борилди. Уюшган гуруҳлар, тажрорий ва ўсмирлар жиноятчилиги-га қарши янада самарали чоралар кўрилди.

Лекин, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан кў-рилган бир қатор чора-тад-бирларга қарамай, Фарғона водийсидаги оператив вазият кескин ва мураккаблигича қолмоқда. Нарх-наво сиёса-тидаги ўзгаришлар ва исте-ъмол бозоридаги тақчил-лик туфайли иқтисодиётда юзага келган кескинликдан фойдаланаётган айрим бу-згинчи шахслар жамоатчилик фикрини янада жунбўшга келтириш ва охир-оқибатда оператив вазиятдаги крими-наль шароитни бундан ҳам оғирлаштиришга уринмоқ-далар. Турли хил экстре-мист кайфиятдаги шахслар-нинг ҳатти-ҳаракатлари ай-ниқса катта ташвиш уйғот-моқда. Юзага келаётган ва-зият ички ишлар идорала-рининг барча хизмат ва бў-линмаларидан бутун кучлар-ни янада сафарбар этишни, интизом, қонун ва тартибни мустаҳкамлаш ишида масъу-лият, қатъият ва ҳужумкор-ликни кучайтиришни талаб қилмоқда.

Амалга оширилган иш-ларга танқидий баҳо берар эканлар, оператив кенгаш қатнашчилари ички ишлар идоралари фаолиятида анча камчилик, хато ва нуқсон-лар мавжудлигини таъкид-ладилар. Профилактика иши-да жиддий ўзгаришлар рўй бергани йўқ. Шу сабабли бо-зор муносабатларига ўтаёт-ган даврда бу ишнинг сама-радорлиги паст бўлиб қол-моқда. Шаҳар ва районлар-да комплекс профилактика тадбирлари ўтказишни таш-кил этиш талаб даражасида эмас. Жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик ўта қониқарсиз аҳволда. Бир қа-тор участка вакиллари ўзла-ри хизмат қиладиган жой-ларда вазиятни қўлдан бой берганлар, жиноятларнинг

олдини олиш ва очишда фа-олий кўрсатишмайди. Иқти-содий жиноятчиликка қарши кураш, жиноий гуруҳлар бошлиқлари, жиноятчилар орасида нуфузга эга бўлган шахслар ва жиноят қилишга мойил бошқа кишиларни аниқлаш ҳамда жавобгарлик-ка тортиш борасида жиноий қидирув маҳкамаларида ҳу-жумкорлик йўқ.

Муҳомада натижалари бў-йича қарор қабул қилинди. Унга биноан барча даража-даги раҳбарлар кўрсатиб ўтилган камчиликларни бар-тараф этиш юзасидан кў-шимча чоралар кўришлари шарт. Ўш ва Жалолобод ви-лоятлари ички ишлар идо-ралари билан бирга жиноят-ларнинг олдини олиш, тўх-татиш ва очиш, ана шу бо-рада ўзаро ахборот алмашиш юзасидан саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қара-тилган ўзаро режа ишлаб чиқилди. Юқоридаги қарор-да, шунингдек олдини олиш-профилактика ва оператив қидирув ишларини янада та-комиллаштириш, хизмат ва бўлинмалар ҳамкорлигини яхшилаш, шахсий тартиб-нинг жанговар тайёргарлиги-ни ошириш ва фавқулодда шароитларда уларнинг ҳат-ти-ҳаракатларини кучайти-риш кўзда тутилган. Кен-гаш якунида унинг қатнаш-чиларига алоҳида вазифа-ларни бажарувчи бўлинма-нинг ўқув-қўргазмалари чиқи-шлари, шунингдек республика ички ишлар идоралари их-тиёрида бўлган муҳофаза этиш ва фаол қаршилиқ кўр-сатишининг махсус воситала-ри намойиш этилди.

Кенгаш юксак ташкилий даражада ўтди. Бунда Анди-жон вилоят ҳокимияти ва ИИБ раҳбариятининг хиз-матлари катта бўлди. Вило-ят ИИБ бошлиғи милиция полковниги Б. Р. Партиева ўз сўзида бундан буён ҳам шундай учрашувлар ўтказиб туриш зарурлигига эътибор-ни қаратди. Кенгаш қатнаш-чилари республикалар ИИБ раҳбарларига бошқа минта-қаларда ҳам шундай кенгаш-лар ўтказишни тавсия этди-лар.

Ўз мухбиримиз.

ҚОНУН ИЖРОСИ: МУАММОЛАР ЙЎҚ ЭМАС

Бугунги иқтисодий ва сиёсий танглик, миллий муносабатларнинг кескинлашуви милиция ходимлари елкасидаги жисмоний ва маънавий юкни яна ҳам оғирлаштирди.

Жиноятчиликнинг ўсиши эса улардан ҳушёрликни, сергакликни янада оширишни талаб этаётган бўлса-да, бугун ўзининг асосий вазифаси қонунбузарликни очиш, унинг олдини олишга боғлиқдир. Кўпинча улар ўзининг соғлиғи, ҳаётини хавф остида қолдирмоқдалар. Уйда кам бўлиши боис фарзанд тарбиясидаги ўрни, оиладаги мавқеида путур етмоқда. Шу сабабли касбга ихлос камайиб, кадрлар қўнимсизлиги ошмоқда.

Хабарингиз бор, 1990 йилнинг 31 октябрида Ўзбекистоннинг «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш ҳақида»ги қонуни (ўша даврда ССЖИ ҳамда Иттифоқдош Жумҳуриятлардан аввал) қабул қилинган эди.

Бу ҳужжатнинг тарихийлиги, қиммати шундан иборат эдики, у ўз олдида юқорида биз таъкидлаган ҳолларда милиция ходимларининг ҳуқуқий, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини ташкил этишни, ўз олдида асосий вазифа, мақсад қилиб қўйган эди.

Вилоят ва маҳаллий рўномаларда, радиода милиция ходимларига нисбатан содир этилган ғайриқонуний ҳаракатларнинг энг оғир ва кенг тарқалган фактлари ёритилиб, шулар бўйича кўрилган чоралар

аҳолига маълум қилиб берилмоқда.

Милиционерларга нисбатан содир этилган ғайриқонуний ҳаракатларнинг кўпчилиги бўйича хизмат текширувлари ўтказилиб, материаллар қонунда кўрсатилган чораларни кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилмоқда.

Жами 1991 йилда милиция ходимларига қарши фуқаролар томонидан 109 ғайриқонуний ҳаракатлар содир этилган.

Ўз хизмат бурчини адо этаётганда 11 ходимга тан жароҳати етказилган, жумладан 5 таси пичоқдан яраланган. Буларнинг ҳаммасига суғурта пули тўланди.

Ўтказилган текширувлар, таҳлиллар ушбу қонуннинг бажарилиши борасида ҳали кўп камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Милиция ходимлари ҳалок бўлганда ёки тан жароҳати олганда тоовон тўлашда, қонуннинг бажарилишида катта қийинчилик туғдираётган сабаб шу масала бўйича иккита норматив акт мавжудлигидир. Давлат суғурта идоралари 1990 йилнинг 30 декабрида ССЖИ Вазирлар Кенгашининг 1398-сонли қарорига асосланиб Ўзбекистоннинг 1990 йил 31 октябрида «Милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонунини инкор этиб, унда кўрсатилган пул тоовонини тўлашдан бош тортиб келмоқдалар.

Айрим ҳолларда биз ҳуқуқ посбонларига нисбатан

қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар фактлари бўйича суд ва прокуратура томонидан қабул қилинган чоралардан хабарсиз қоламиз.

1991 йил 28 август куни Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими патрул-пост хизматининг учта милиционерига бир гуруҳ маст кишилар томонидан тан жароҳати етказилган. Ўша йилнинг 26 сентябрида бир неча бор қилинган уринишлардан сўнг, биз шуни аниқладикки, бу факт бўйича жиноий иш прокуратура томонидан қўзғатилган ва тушунарсиз сабабларга кўра 1992 йилнинг 10 январидан, яъни 4 ойдан сўнггина судга оширилган.

1991 йилнинг 30 мартда Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими патрул-пост хизмати ротаси милиционери И. Отахоновга тан жароҳати етказган Чирчиқ шаҳридаги билим юрти ўқувчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 194² моддаси 4-банди ва 127² моддасининг 2-бандига асосан қўзғатилган жиноий иш шаҳар халқ судига 5 апрелда берилган ва ўз ечимини фақат 9 ойдан сўнггина топди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шахсий таркибни ҳимоя қилишни амалга оширувчи бўлим прокуратура ва суддаги милиция ходимларига тегишли бўлган жиноий ишларни ўрганишга имкон берадиган, қонунда кўрсатилган ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, бу қонун ўз номи билан фақат, милиция ходимларининг ҳуқуқий ва

ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни гарданига олган ҳолда фаолият кўрсатмоқда, лекин ички ишлар идораларининг айрим тур хизматлари ходимлари, яъни жамоат тартибини сақлашда тенг қатнашаётганлар (ёнгиндан сақлаш каби ички хизмат кийимидаги ходимлар) эса ташқарида қолиб кетган.

Маҳаллий ҳокимиятларда унда кўрсатилган афзалликларни (квартира ажратиш, телефон ўрнатиш, барча турдаги транспорт воситаларида ҳаракат учун навбатдан ташқари чипталар, меҳмонхоналардан ўринжой олиш ва ҳ. к.) милиция ходимларига нисбатан қўллаш бўйича тартиб ўрнатилмаган, бу ҳолатларни аҳолига тушунтириш учун ҳам фақат милиция ўзининг меҳнат жамоалари, аҳоли яшаш жойларидаги ҳуқуқий темалардаги учрашувларидангина фойдаланмоқда.

Шунингдек у ички ишлар идоралари ходимларининг қўшимча иш (бундай ҳолат тез-тез учраб туради) вақтидаги меҳнати эвазига пул тўловини ёки дам олиш кунини ташкил этиш лозимлигини назардан ташқарида қолдирган.

Биз вилоят ички ишлар бошқармасининг шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими ходимлари юқорида қайд қилинган қонунни тушунтириб, аҳоли ўртасида ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар ўтказиб, участка вакиллари ҳисоботларини умумлаштириб, таҳлил қилиб борамиз. Бу аснода фуқаролардан келган хатлар салмоқли баҳо беришда жуда

қўл келмоқда. Шу боис яқинда таҳлил натижаларини шаҳар ва туман ИИБларига йўллаб шахсий таркибни тарбиялаш ишида бундай хатлардан унумли фойдаланишни, умуман мактубларга эътиборни кучайтириб, улар ҳақида вилоят ички ишлар бошқармасида фаолият кўрсатаётган бизнинг бўлимга ва матбуотга хабар беришларини тавсия этдик, бу яхши натижалар беришига ишонамиз.

Рўзнома муштарийларига яна шуни ҳам маълум қилиш мақсадга мувофиқки, яқинда республикамизда жиноятчиликка қарши кураш борасида қонун қабул қилинмоқда, унинг лойиҳасини кўриб, ўз таклиф мулоҳазаларимизни айтганмиз. Агар у халқ муҳокамасига қўйилиб, кейин қабул қилинса, аҳоли масъулияти янада ошиб, жиноятчиликка қарши кураш ишида янги бир ижобий қадм ташлаган бўлар эди.

Лекин милицияга ишониш керак. Асло ўртадаги ишончга раҳна тушмаслиги лозим. Бунинг учун милиционерлар ҳам ўз ҳаракатларини аямайдилар, албатта.

Биз халқимиз ҳуқуқ посбонларига ишонишларини, унга ёрдам қилиб, биргалликда қонунбузарликнинг ҳамма кўринишларига қарши курашларини ҳоҳладик. Жиноятчиликни фақат биргаллашиб жийовлаш мумкин, ахир.

Тоҳир РИХСИЕВ,
Тошкент вилояти ИИБ шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи ички хизмат подполковниги.
Миркарим МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ матбуот маркази раҳбари ички хизмат майори.

Мудҳиш тақдир

Ота-она не-не умидлар билан қизчаларига Камола деб исм қўйишди. Қизлари ҳамма қатори ўсиб-улғайди. Мактабга борди. Теиндошларидан эса на қобилияти, на зеҳни, одоби билан ажралиб турмади. Синфдошлари қатори битирди. Севди, севилади. Бироқ йигитнинг севги ота-ши тўйдан илгаридек совида қолди. Эҳтимол бунга Камоланинг инон-ихтиёрини маъшуғига бутунлай топшириб қўйгани сабаб бўлгандир. У эса... Кейин ҳатто ҳомилани ҳам тан олгиси келмади. «Мендан бўлган эмас бола», — деб ўз сўзида туриб олди.

Камола аввалига ҳомиладорлигини яшириш учун дам униқиди, дам буникда ижарада яшаб юрди. Лекин ҳақини вақтида тўлай олмай, барибир ўз уйига — ота-онаси бағрига қайтди. Охири сирни ошкор бўлди. Ишга жойлашар деса, бу кўринишда ҳеч ким олмади. Қўлида ҳемири йўқ, яна кишлоғига қайтди. Шу ерда отасининг сўкишлари, онасининг қарғишлари остида кўзи ёриди. Аммо юзини кўришга, овозини эшитишга, ҳатто борлигини ҳис этишга тоқати йўқ эди. Ота-онанинг соддаликлари, раҳмдиллиги, «болада не гуноҳ, гуноҳ ўзида» деб чақалоққа ён босишлари туфайлигина уни яна уйда қолдиришди. Аммо никоҳсиз тутилган қизчага нигоҳлари тушиши билан Камола қарғишларга кўмиларди.

Хўмрайган нигоҳлар, зардали гаплар, турткилашу қарғишлари! Гарчи бу кўпроқ уни бунёдга келтирганларга тегишли бўлсада, балога қолган мана шу норасида бўл-

ди. Айрим вақтлари Камола унинг қўлларидан юлқилаб қаергадир олиб кетар, бир неча кундан сўнг яна қайтиб келишарди. Кейин ҳаммаси бошқатдан бошланарди.

Бир кун Камола қизчасини шахд билан тортиқладию, шу-шу қорасини кўрсатмади.

Орадан икки йилча вақт ўтди. Шойзоқовлар хонадонига қизи Камолани сўраб Қарши шаҳар ИИБдан терговчи келди...

...Қизчасини етаклаб чиққан Камола тўғри шоҳбекатга йўл олди. Тунни шу ерда ўтказди. Эртаси ижарага уй қидира бошлади. Кимнинг-

дир раҳми келиб, жой берди. Бироқ кўп ўтмай айланиб Қаршига бориб қолди. Қ. Ризаева исмли аёлга ўзини Гулчехра деб таништирди. Бошпана сўради. Икки ойлар чамаси яшагач, Қумринисо билан гап талашиб қолди. Анча сан-манга боришди.

Ўртада аччиқ-тизиқ гаплар ўтди. Қумринисо уни шаллақидан олиб, бузуқига солди. Хуллас, Камола энди бу ерда яшай олмаслигига кўзи етди. Қайга борсин? Бир боши-ку сиғар-а, аммо қизчасини нима қилади? Едириш, ичириш, кийинтириш керак. Бадбахтлик, иложсизлик бундан ортиқ бўларми? Кимга суянсин, кимга ишонсин? Наҳот сўраб кимга дилнинг очсин? Қўлида бир тийини йўқ, қаёққа кетади? Йўқ-йўқ, ота-онасиникига қайтиб

бормайдн. Оқ қилишган. Кўксидан итариб юборишади. Яна қанча қарғишлар ҳам эшитади. Нима қилсин? У йиғлашга тушди. Қизчаси Нигора оҳиста келиб, афтидан юпатмоқчи бўлди шекилли, суйкалди. Камола фарзандини бағрига босди-ю, ўкириб юборди. Ҳаётига, кўрган кунларига, қачонлардир севган, ўзини бахшида этган йигитга ладнатлар ёғдирди. Упкаси бўшагунча йиғлади. Ўзини босиб, қизига бокди. Миясига келган фикрдан кўрқиб кетди. Шунчалар мунис, ширин, жажжигина қизалоғи унинг дардини олай деб турса-ю, у эса... Йўқ, йўқ. Майли қийналиб ўлиб қўя қолсин, лекин Нигорани катта қилади. Қизим-

лик ҳайдовчининг ҳам эътиборини тортди. Шу сабабли кейинчалик терговчи ундан аёл ҳақида сўраганда дарров эслай қолди.

Камола эса қаёққа бормоқчи эканлигини ҳали ҳам аниқ билмас, шу дамда ҳатти-ҳаракатларини идрок этолмас, тўғрироғи, идрок этгиси келмасди.

Олдинда фақат туманли, мавҳум бир нарса турарди. Миясида чарх ураётган ўкинч, афсус, армонлар қорнишиб алланарсаларга айланган, қадамларидан ҳам оҳ чиқарди. Шу туришда ҳозир у ҳар нарсасга тайёр, бироқ аини чоғда ҳеч нарса қила олмасди ҳам. Қийинчилик, етишмовчилик ҳеч қачон, одамни соғлом фикр юри-

га яна бир карра ишонч ҳосил қилиш, аёлнинг шахсиятини аниқлаш, туриш-турмушини яхшироқ ўрганиш мақсадида терговчи у туғилиб ўган Тошкент вилояти... туманига борди.

Афсуски унинг етим қолаётган қизчасини жигарлари қўлларига ҳам олишмади. Улар Нигорани тарбияларига олишдан бош тортишди. Камоланинг сўнгги умиди барбод бўлди, бегуноҳ фарзанди аросатда қолди. Ўзини уйга киргизишмасида, бироқ норасидасини бошига кулфат тушганда бағриларига олишар деб ўйлаганди.

Қизининг ноғуя қилиқларидан ота-онаси бош кўтаролмай қолган, шу боис қиздан кечиб юборишганди.

Камола хун-хун йиғлаб Нигорани сўнгги манзил-болалар уйига топширишга мажбур бўлди.

Ўзини эса қонунишунослар қилмишига яраша жазо белгилашиб, муддатни ўташ учун жўнатишди.

Ешликда инсон адашади, қоқилади. Мен бунини энди оёқ босишга ўрганаётган мурғакка ўхшатаман. Агар эътибор қилган бўлсангиз, тетапоя қилиб юраётган фарзанди тойиб йиқилса, ота-она қанчалик азобланишади. Катталар ҳаётда қоқилишса-чи? Нега унда томошабин бўлиб тура-миз? Агар ҳар биримиз уларга ҳам ўз вақтида ёрдам кўрсатсак, Камоланинг фожиасидек аянчли воқеалар содир бўлмасмиди? Камолага ўхшаганлар йўлдан адашди, темир панжара ортида фарзанд дийдорини соғиниб, тунларини бедор ўтказмаган бўлишарди.

Нур БАДИЯ.

КАМОЛАНИНГ ФОЖИАСИ

нинг ҳам бошига шундай кунлар тушса-я, деган фикрдан яна даҳшатга тушади.

Тушқунлик, умидсизлик шу қадар уни эзиб қўйган, ўйлари ҳам бир-биридан чалкаш, боши-охири йўқ, тубсиз, маконсиз эди. Охири энг осон туюлгани... ўғирлик қилишда тўхтади. Ўрнидан туриб хоналарга кирди. Шкаф тортмаларини тита бошлади. Қутича ичидан тилла узук ва 1000 сўм пул чиқди. Кийим-кечак шкафидан эса турли қимматбаҳо газламаларни олди-да, сумкасига жойлади. Унинг ҳаракатлари шу қадар ғайритабиий бўлиб, гўёки иситмадаги касалнинг алаҳсираши каби эди.

Кўчага чиқиб такси машинасини тўхтатди. Шоҳбекатга элтиб қўйишни илтимос қилди. Ҳамон титраётган вужуди, овозидаги жонсарақ-

тишга ундаган эмас. Ва ҳеч қачон унинг маънавиятида, руҳида меҳр уйғотмаган.

Қарши шаҳар ИИБга келтирилган Камола ўзини Гулчехра Ҳақимова деб кўрсатма берди. Эмишки, у Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида Форобий кўчаси №... уйда турармиш.

Терговчи М. Хусанов унинг кўрсатмаларини синчиклаб таҳлил қиларкан, тошкентлик ҳамкасблари Г. Ҳақимова ҳақида маълумот беришди. Ундаги далиллар аёл берган кўрсатмаларга тасмаман зид бўлиб бу — Камоланинг терговни чағи-таётганидан дарак эди. У эса Ҳақимовадан деб туриб олди. Вилоятларга жўнатишган сўровга жавоб олинди. Ўзини Ҳақимова деб таниш-тирган шахс К. Шойзоқова бўлиб чиқди. Бу маълумот-

Дард... Даъво... Даво...

ТҶҲДАГИ ВОҚЕА

Қадри муштарӣ, мана эътиборингизга Д. Д. Д. нинг яна бир саҳифасини ҳавола этишимиз. Бу сафар унда қай-гу дард, даво кўпроқ. Биз жабранувчи ҳамда айбланувчига саҳифамиздан жой бердик, унга баҳо бериш сиздан. Ниятимиз ҳолис.

Ўтган йилнинг 21 декабрида Куйбишев номли жамоа ҳўжалигининг 6-бригадасида унчалик катта бўлмаган бир тўй бўлиб ўтди. Тўйхонада бир пайт олти нафар урушқоқ йигитлар пайдо бўлишди. Улар беш яшар қизчасини кўтариб турган 32 ёшли акам Нурмамет Мелиқуловни ўртага олишди. Натижада акам қизчасини ҳимоя қиламан, деб ўзи калтак ейти. Чўзилиб қолган акамнинг ёнига шу жамоа ҳўжалигида ҳўқуқ-тартиботни ҳимоя қилувчи капитан Бердиёр Жумаев келиб ўтиради ва бир пиёла ароқ узатади:

— Мана бунини ичиб юборгину, оқ қорозни қора қилиб юрмагин. Эртага ҳеч нарсаси кўрмагандай бўлиб кетасан. Ўзлари кечирим сўраб келишди. Кейинги тўйларда

уларни битта-битта ушлаб, ўчингни оласан,— деди.

Акам ҳеч қачон спиртлик ичимлик ичмаганлиги сабабли ароқни олмай, бир амаллаб ўрнидан туриб, эшикка чиқди. Кейин мен уйга элтдим.

Бу орада уч кун Жумаевни кутди, келавермагач, туман ИИБга ёзиб берди. Шу йилнинг учинчи январидеда пешин чоғида шу безориларнинг тоғаси Бердиёр келиб: «Соат учда боргин, суриштирамиз»,— деб кетди. Акам эса бориб ҳеч қимни тополмай келди. «Булар мени алдаб қақиритган экан»,— деди.— Энди бормаيمان». Соат тўрт яримларда тўй бўлган жойга бориб келди ва йўлга отланди. Янгамнинг сўровига «Турғунларнинг китига бораман»,— деди.

Бу пайтда Бердиёрнинг хонаси очиб бўлади. У ерда Бердиёр, Музаффар Норинов, Абдурашид Тўраев ва тўй кунини уни урганлар йигитлишган эди. Акамни уч миллион ходими қийноққа олди, қўрқитади, сўнг ҳалиги безориларга топширади. Бу ерда у уч ярим соатга яқин

бўлган ва бу вақтда қанчалар қистов, қанчалар қасамга таяш, қанчалар қийноқ бўлмаган дейсиз.

— Эртага кечаси ташқарига чиқасан, йўқса уйингдагиларни йўқотиб юборамиз,— дейишади.

Акамнинг бўйнидан белигача тепки зарбидан қорайиб кетган, кўтариб ташлаш зарбидан ичи батамом тўкилиб бўлган эди. Шунга қарамай акам тунда уларнинг олдига чиққан. Қўрққан бўлса керак. Шунда ваҳшийлар унинг чап қўлини чўпиб, уксус кислотасини ичинга мажбурлашади. Шу воқеадан сўнг булардан иккитаси — туман марказий касалхонасининг ўликхонасида ишловчи Т. Абдуллаев ва Т. Тўхтамишевлар тонг соат олтида Х. Жумаевнинг шахсий машинасида шохбекатга келиб Тошкент баҳона поездга чиқиб, Қаршига келишади.

Қотиллар мақсадга эришган эди. Акам 5 январь кунини ҳаётдан кўз юмди. Ўша кунини туман прокуратураси терговчиси Чори Қодировни касалхонага қақиритиришган

эди. У жароҳат изларини ўз кўзи билан кўрган эди, лекин ҳанузгача «Отанга бор, онанга бор» қабилида иш олиб бораётир. Ахир унинг қўлида етарлича асос — акамнинг тўйдаги жанжалдан тан жароҳати олгани, мияси чайқалгани ҳақидаги экспертиза ҳулосаси бор-ку. У ҳеч бўлмаган тақдирда шу асос бўйича қотилларни ҳибсга олиши шарт эди-ку. Улар эса ҳозир ўйнаб юрибди.

Деновда биз мурожаат қилган ҳар қандай ҳўқуқ идораси «қонун ўз қўлимизда, бор нима қилсанг қилавер» қабилида иш олиб бормоқда.

Мен Эркин Мелиқулов отам — II-туруш уруш ногирони, янгам ҳамда 1986, 89, 92 йилларда туғилган норасида гўдақлар номидан илтимос қилиб сўрайман: Ч. Қодировни ҳам тергайдиган борми ўзи? Бўлса, адолатни қарор топтиришда ёрдам беринг!

Эркин МЕЛИҚУЛОВ,
Денов шаҳри.

ЖАВОБ
Фуқаро Мелиқулов Эркиннинг акаси Мелиқулов Нурмаметнинг ўлими факти юзасидан ёзган шикоятни вилоят прокуратурасида ушбу факт юзасидан тўпланган текширув материаллари би-

лан биргаликда кўриб чиқилди.

Ушбу факт юзасидан Денов тумани прокуратураси дастлабки текшириш ҳаракатлари олиб бориб, тўпланган материалларга кўра Н. Мелиқуловнинг ўлимида ҳеч қимнинг айби йўқ, деган тўхтамга келиб, 1992 йил 15 январда жиноят иши қўзғатишни рад қилган.

Дастлабки текшириш жараёнида марҳум Н. Мелиқуловнинг ўлими сабабларини ойдинлаштирувчи баъзи ҳолатларнинг текширилмаганлиги, дастлабки текширув тўлиқ ўтказилмаганлиги учун туман прокуратурасининг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарори вилоят прокуратураси томонидан 1992 йил 20 майда бекор қилинди.

Материал кўрсатилган камчиликлари бартараф қилиш ва Мелиқулов Эркиннинг аризасида кўрсатилган барча ҳолатлар бўйича қўшимча текширув ўтказишлик учун Денов туман прокуратурасига юборилди.

Бу ҳақда Мелиқулов Эркинга 1992 йил 21 майда ёзма равишда жавоб берилди.

Э. А. МЕНГЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти прокурори муовини, адлия катта маслаҳатчиси.

САДАҚА ДЕБ БИЛАМАН

Роса бир йил бурун Жиззах безорига чиқиб «76-отавод» давлат ҳўжалигининг Ровот касабаси Туркчироқ қишлоғида яшовчи Ақром исмли йигитдан 14 минг сўмга эски, 1981 йилда чиққан «ВАЗ-2101» белгилли машинасини сотиб олган эдим. У жуда эски бўлган сабабли ҳам таъмир қилдиришга тўғри келди, тўртта янги филдирак қўйдим, ҳар бирини бир ярим мингдан олиб. Умуман олганда машинанинг аҳволига қараб бўлмас, дадала эди. Бир сўз билан айтганда бошдан-оёқ янгилаб чиқдим ва бунга 18 минг сўм пулим кетди. Ният уловини янгилаб, болачакам билан миниб юриш эди. Бунинг учун бор-будимни сарфладим ва... икки қўлимни бурнимга суқиб қолавердим.

Менга машинани сотган йигит: «Қачон келсангиз номингизга ўтказиб бераман»,— деган эди. Шунинг учун ҳам шошилмасдан, бемалол 5-6 ой деганда таъмирни тутатган эдим ҳамки, Зарбдор туманидан бир мелиса йигит келиб, ДАН бошлиғига уч-

рашишимни айтди.

Мен бордим. Маълум бўлишча Зарбдор тумани ИИБ ДАН бошлиғи Абдуқодир Пардаев милициянинг машинасини «списат» қилиб, сотиб олган, сўнг устига қўйиб, 11000 сўмга бошқа кишига пуллаб юборган экан. Уни биринчи марта кўриб туришим эди, хушмуомала йигит экан: «Мен тинч, сиз ҳам тинч, машинани тезроқ сизнинг номингизга ўтказиб беришим керак»,— деди. Хурсанд бўлиб, бир-икки кун ўтгач машинани миниб бордим. Уни менга сотган Ақром ҳам бирга эди. Абдуқодир «Жигули»ни кўриб севинди: «Ў-ҳў, янгилаб юборибсиз-ку. Шундан сўнг у расмийлаштириб бераман, деб мендан калитни олиб, машинани мелисахонага миниб кетди. Доллагимча қолавердим. Ҳеч ким дардимга қулоқ солмади, ёрдам ҳам бермади. Ҳамма ўзидан қўрқди-да. Ақром эса «начальник ГАИ бўлсам нотўғри қилди»,— деди. Менга эса куппа-кундузи тунаб кетишгани алам қилаётган эди.

Шундан сўнг бир неча бор Пардаевга учрашдим, у: «Қайга борсанг боравер, сени эшитишни ҳам хоҳламайман»,— деди. Бир марта хонасидан судраб чиқариб ташлади ҳам. Мен йиғлаб-йиғлаб дардимни кимга айтишни ҳам билмай кетавердим. Ўзим камбағал бир йигит бўлсам, нимаям қилардим? Бунинг устига у «ғиди-биди қилаверсанг қамаб қўяман»,— деб қўрқита бошлади.

Милиция ходими фуқароларни алдаб, уларнинг мулкларини ўзига ўтказиб олса-я... Ақлга сиғмайдиган ишлар бўлаяпти.

Мен бу ишни прокуратурага жўнатиб, адолатли ҳал қилишни талаб қиламан. Агар бу шикоятим ҳам, бирор жойда қолиб кетиб, текширилмас экан, юқори идораларга мурожаат қилишга мажбур бўламан. У ерда ҳам адолатли ҳал қилишмаса, нима ҳам дердим, тақдирга тана бериб, бир камбағалдан шу машина садақа, деб билламан.

Т. УРОҚБОВ,
Жиззах шаҳри.

ЖАВОБ

ИИБ хавфсизлигини таъминлаш бўлимига текшириш учун юборган фуқаро Т. Уроқбоевнинг аризаси атрофлича кўриб чиқилди. Текшириш жараёнида аризада кўрсатилган вазиятлар қисман тасдиқланди.

Хусусан, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани ички ишлар бўлими давлат автомобил назорати бўлимининг бошлиғи милиция капитани А. Пардаев шахсий автомашинасини вақтинча сақлаб туриш учун таниши Ҳакимовнинг уйига олиб бориб қўйган, Ҳакимов эса ўзбошимчалик қилиб Пардаевнинг автомашинасини унинг рухсатисиз сотиб юборган, сотиб олган шахс эса ариза муаллифи Уроқбоевга сотган. Бу воқеадан воқиф бўлган Пардаев Уроқбоевдан автомашинасини олиб қўйиб, олди-сотида муомалалари амалдаги қонунга ҳилоф бўлганлигини тушунтирган. Уроқбоев бундан норози бўлиб Пардаевдан автомашинани қайтариб беришни, бундан ташқари автомашина урилиб шикастланган жойини тузатиш вақтида анча миқдорда пул сарф қилганлигини маълум қилган ва Пардаев ўз

хизмат вазифасидан фойдаланаяпти, деган ҳулосага келиб автомашинага эғали қилиш ҳўқуқини тиклаш мақсадида шикоят хати билан бир неча юқори органларга мурожаат қилган.

Хизмат текшируви жараёнида Уроқбоев билан ўтказилган суҳбатда унинг ноқонуний равишда автомашина сотиб олганлигини тушунтирилгандан сўнг, у янгилишганлигини аниглаб Пардаевга нисбатан даъвоси йўқлигини ёзма равишда баён қилди.

Пардаев вужудга келган ҳолатни ўзaro келишув йўли билан ҳал қилмаганлиги натижасида Уроқбоев юқори органларга мурожаат этишига сабабчи бўлганлиги учун у Жиззах ИИБ раҳбарияти томонидан маъмурий йўл билан огоҳлантирилди.

Текшириш натижалари 07 май 1991 йил Т. Уроқбоевга маълум қилиниб, қўрилган чоралар қониқтирмаган тақдирда, судга мурожаат этиш ҳўқуқи борлиги ёзма равишда хабар қилинди.

Я. И. ТИМОШЕНКО,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи ички хизмат подполковниги.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПМАСА...

Бизнинг фарзандимиз, отамиз ва акамиз Суён Ғаниев 1990 йилнинг 20 август кунини Пахтакор тумани соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи А. Алимқуловнинг хонасида ваҳшийларча калтакланиб, ҳўшсиз, тирик ҳолда ўликхонага ташланган. Орадан 5-6 кун ўтгандан кейин уч кишини қақириб тобут ясаптириб: «бир эгасиз алкаш армани, руслар қабристонига олиб бориб кўмиб ташланглар»,— деган. А. Алимқулов Суён Ғаниевни яхши танир эди. Уни бош врачликдан бўшатишда ҳам Алимқулов бош-қош бўлган, у пайтларда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи эди-да. Тез-тез дам олишларга бирга бориб туришар эди. 18 август кунини ҳам иккаласи бирга бўлишган.

Нега энди орадан икки кун ўтиб, уни уриб ўлдиришгач танимай қолади? Биз — жабранувчиларни

икки нарсаси ажаблантиради:

1. Суён Ғаниев инфарктдан ўлган экан, унда Алимқулов нимага асосланиб мурдани руслар қабристонига яширинча кўмиб ташлаттирди?

2. Нега у Ғаниев ўлдирилган хонани бошдан-оёқ таъмир қилдириб, бўятиб, эшик, полларни алмаштирди. Бизлар, қариндош-уруғ, фарзандлари, сингиллари ва онаси шикоят қилиб борсан Алимқулов билан вилоят прокуратурасида ишлайдиган Қўчқор Ғаниев деган киши пўписа қилиб: «шикоят қилманглар, қўлларингдан ҳеч нарсаси келмайди, сизларни ҳам Суёндай қилиб ис-сиз йўқотамиз»,— деб аризамизни ҳам олмади.

Ғаниев инфарктдан ўлмаган. Қаттиқ нарсаси билан уриб ўлдирилган:

1. Қулоқлари юлинган, бурни пачоқланган;
2. Пастки жағи, тишлари синиб кетган;

3. Ўткир нарсаси билан урилгандан қонлари елкасига оқиб тушган;

4. Олд ва орқа томонларидан кўплаб қовурғалари синиб кетган;

5. Чот ораси қонталаш, мойклари пачоқланган.

Бу нарсалар оддий назар билан аниқланган ва Суён Ғаниевни ваҳший босқинчиларча калтаклаб ўлдирилгандан далолат беради.

Биз — жабранувчиларнинг талабларимиз:

1. Абдуназар Алимқулов давлат қонунини олдида, худо ва фарзандлари олдида жавоб берсин;

2. Республика прокуратурасидан жасадни қайта экспертиза қилдиришни сўраймиз;

3. Экспертиза чоғида бизлар ҳам қатнашишимиз лозим;

4. Жиноят иши билан та-нишишимиз керак;

5. Экспертиза ҳулосаси-

дан бизга бир нусха берилсин;

6. Алимқулов ва Ғаниевнинг одамлари бизларга пўписа қилиб, орқамиздан таъқиб қилишни тўхтатишсин.

Бизлар қўрқмаймиз. Адолат, ҳақиқат қарор то-мас экан, сўнгги чораларни кўришга мажбур бўламиз.

Ғаллаорол тумани, Турк қишлоғи аҳли номидан:
Н. ҚОДИРОВА,
Р. ҒАНИЕВА
(жами 13 имзо).

ЖАВОБ

Фуқаро Н. Қодирова ва бошқа фуқароларнинг таҳририятдан келган Суён Ғаниевнинг ўлимига айбдор шахсларга нисбатан чоралар кўрилмаётганлиги ҳақидаги аризаси текшириб чиқилди.

С. Ғаниев ўлими сабабларини, ҳамда унинг қариндошлари вазирларини текшириш мақсадида Пахтакор туман прокуратураси томонидан бу ҳодиса бўйича жиноят иши қўзғатилган бўлиб, кейинчалик текширишни Жиззах вилоят прокуратураси олиб боради.

Пахтакор туманлараро суд-тиббий экспертизаси ва

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза бош бюроси ҳулосаларига кўра С. Ғаниев тақрибий юрак гипертоник касаллиги оқибатида вафот этган.

20.08.91 йилда Жиззах вилоят прокуратураси томонидан Ғаниевнинг ўлимига ҳеч қим сабабчи бўлмаганлиги сабабли жиноят иши ҳаракатдан ётқизилган.

Тергов давомида айрим ҳолатлар тўлиқ текширилмаганлиги сабабли иш бўйича қабул қилинган қарор бекор қилиниб, Жиззах вилояти прокуратурасига бу иш юзасидан малакали терговни таъминлаш тўғрисида кўргазмалар берилди.

Илгари Н. Қодировнинг шундай аризасига Республика прокуратураси жавоб берган.

Р. И. ХОДЖАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Тергов бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи, адлия маслаҳатчиси.

Хизматларда

МКП

Кўнгилсизликнинг олди олиняпти

Урганч шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими Марказлаштирилган кузатув пункти. Навбатчи оператор Марина Баканова (1-сурат) пультага уланган объектларни кўздан кечириш билан банд.

«Бугунгидек тинч кун бўлмагани, — дейди у ўзича, — қани энди доим мана шундай осойишталик бўлса...».

Унинг хаёлини ташвиш-огоҳнинг аянчли чийиллаши бузиб юборди. Бироқ у саросимага тушмади. Аввалига қайси объектлигини аниқлади, кейин бу ҳақда тезкор гуруҳга маълумот берди.

Марказлаштирилган кузатув пункти (МКП) наватчи инспектори милиция катта лейтенанти Фарҳод Машарипов, тезкор гуруҳ ходим-

ларидан милиция катта сержантлари Бахтиёр Эшмуродов, ҳайдовчи Қадамбой Матчонов ҳамда милиция кичик сержанти Усмон Бобо-жоновлар дарҳол йўлга отланишди (2-сурат).

Тезкор гуруҳ воқеа содир бўлган жойга етиб боришганда номаълум шахс маст ҳолда зўр бериб дўкон эшигини бузаётган эди (3-сурат). Қўриқлаш бўлими ходимлари уни ушлаб, ички ишлар бўлимига олиб боришди (4-сурат).

Бундай нохуш воқеалар онда-сонда бўлиб туради, — дейди Марказлаштирилган қўриқлаш пункти бошлиғи милиция катта лейтенанти Маҳмуд Бекметов. — Бирор кимса беҳосдан эшикка тегиб кетса ҳам ташвишгоҳ ишга тушиб кетиш ҳоллари учраб туради. Мана кўриб турганингиздек, оддий бир мослама ҳисобланган ташвишгоҳнинг бераётган ёрдами бе-ниҳоя каттадир.

Юқоридагидек нохуш воқеаларни ўз вақтида аниқлашда ва кўнгилсизликнинг олдини олишда Урганч шаҳар Марказлаштирилган қўриқлаш пункти ходимлари жонбозлик кўрсатишяпти. Уларнинг зийраклиги натижасида 300 та шахсий хонадон, 160дан зиёд давлат корхоналари ҳамда қоровуллар қўриқлайдиган халқ хўжалик объектлари осойишталиги сақланмоқда.

Саъдулла БОБО,
суратлар муаллифники.



ППХ

Хонободда бир кеча - кундуз

Қорадарё ўзанидаги табиатан гўзал ерда қад кўтарган Андижон сув омбори бу жойга янада кўркамлик бахш этади. Мазкур гидротехника иншоотига хизмат кўрсатиш учун бундан 20 йил муқаддам кўлнинг ўнг томонидаги тоғ ён бағрида Советобод шаҳри қурилган эди. Бугунги кунда у шу ернинг тарихий номи Хонобод шаҳри деб атала бошланди.

Бу ердаги аҳолининг асосини тўғонни қуришда иштирок этган кишилар — етмишга яқин миллат вакиллари ташкил этишади. Ён атрофидаги қишлоқлар билан бирга шаҳар аҳолиси 40 минг кишидан иборат. Тоғ ён бағрида оқшом эрта тушади. Ҳозиргина чарақлаб турган қуёш бир пасдан кейин тоғ ортига ўтиб кетади. Дарадан эсаётган муздай шамол кўлдан кўтарилган совуқ ҳавога қўшилиб кетади ва одамлар иссиқроқ кийиниб, уйларига шомиладилар. Кундузлари ҳам осойишта кўринган Хонобод, кечқурунга келиб, мутлақо ажми-жит бўлиб қолади. Хўш, мана шундай жаннатмакон ерда милициянинг қандай ташвиши бўлиши мумкин?

— Ишимиз етарли, — дейди шаҳар ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Шокиржон Максимов. — Кундузлари шаҳар тинчдай кўринади, шунда ҳам марказда.

Шаҳар маркази ҳақиқатан ҳам гўзал, кўп миллатли аҳоли яшайдиган ерни эмас, кўпроқ боғу-бўстонни эслатади. Ҳаммаёқ чиннидай тоғтоза, фақат қўшларнинг овози-ю, тепага — дам олиш зонасига олиб боровчи сими

йўлининг шовқини эшитилади. Лекин ҳозир тун. Шаҳар ИИБ ходимлари билан бирга мен ҳам рейдга отландим. Хонобод уйқуга ҳозирланмоқда, аммо шаҳардаги осойишталик алдаб қўйиши мумкин. Милиция машинаси «Черёмушки» мавзёида тўхтади.

Йўл-назорат хизмати ходимлари сержант Восилжон Нурматов, кичик сержант Абдурашид Мамадалиевлар бошлиққа қандай бўйича ахборот беришди. Уч метрча нарида оқ рангли «Москвич» машинаси турибди. Йўл-назорат хизмати гуруҳининг командири милиция катта сержанти Аҳмаджон Тожи-матов билан сержант Турсунали Арапов машина ҳайдовчи эгаси билан гаплашишмоқда. У ичиб олган, лекин уйига етиб келибди.

— Меҳмонда эдим, — дейди у. — Мана бу хонадонда яшайман.

Тартиб бузилган, албатта, лекин бу сафар оғзаки танбеҳ билан чекланилди.

— Умуман олганда «Черёмушки» шаҳримиздаги энг нотинч жой, — дейишади ИИБ ходимлари. — «Ўзимиз»нинг жиноятчиларни бармоқ билан санаса бўлади, аммо курортга дам олгани келганлар анча мунча.

Кейинги ойлари мобайнида содир бўлган жиноятлар орасида иккита қотилликни эсга олишади. Бири сув қурилиш материаллари бирлашмасида, иккинчиси эса пиво-хонада рўй берди. Иккала сафар ҳам қотиллар эртасига қўлга олиниб, ишлари судга оширилди. ИИБ бошлиғининг ўрнибосари милиция подполковниги Бахтиёр

Бобоев, жиноят қидирув бўлинимасининг катта оператив вакили полковник Абдураҳмон Сотволдиев, шу бўлимининг оператив вакили милиция лейтенанти Абдураим Турғенов, профилактика хизмати бўлинимасининг бошлиғи милиция капитани Маҳкамбой Йўлдошев аниқ ва пухта ишламоқда.

Машинамиз тунги Хонобод бўйлаб юришда давом этади. Шаҳар тунда ҳам гўзал, лекин икки тоғ орасида жойлашгани учун бир оз совуқроқ. Улардан бирининг ортида кўшн республика.

— Қирғизистондан ҳам «меҳмон»лар келиб туришади, — дейишади милиция ходимлари, — лекин қирғизистонлик ҳамкасбларимиз билан алоқамиз яхши, яқиндан ҳамкорлик қиламиз.

Жамоат тартибини муҳофаза қилиш таянч пунктига келганимизда шовқин-суроннинг устидан чиқиб қолдик. Жунбушга келган аёллар милиция кийимидаги кишини ўраб олган эдилар.

— Ўғрини топинлар! Бор-йўғимизни шилиб кетишибди. Кундузи ишда эдик!

К. Жаннатхоннинг уйига ўғрилар тушган экан. Турғенов билан Бобоев воқеа рўй берган ерга жўнаб кетишди.

Ўғрилар 53 минг сўм пул, магнитофон, бошқа кийим-кечақларни олиб кетишганди, лекин узоққа қоча олишмади. Уларни қандай қилиб тез орада қўлга олганлари бошқа масала.

...Эрталаб соат 8 да рейд бригадаси шаҳар ИИБга йўл олди.

М. СУЛАЙМОНОВ.

ДАН

ХАЛҚА ЙЎЛ

Тошкент вилоятини ўраб турувчи халқа йўлида баъзи автомобил ҳайдовчиларининг йўл ҳаракатини бузиши, яъни тезликни керагидан ошириб юбориши натижасида тез-тез кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда.

ДАНБ ходимлари бу мудҳиш ҳодисаларни олдини

олиш учун туну-кун профилактик ишлар олиб боришяпти.

Шулар қаторида Тошкент-Янгийўл трассасида йўл ҳалокатларини олдини олиш борасида сезиларли ўзгаришлар қилинмоқда.

Х. ШОДИЕВ.



Суратда: Тошкент вилояти ИИБ ДАНБга қарашли 1-рота командири милиция майори Саидкарим Саидалиев (чапда) ва взвод командири Абдуқаҳҳор Содиқов

1-постда сақланаётган, аварияда «майиб» бўлган енгил автомашиналарни кўздан кечиришяпти.

Суратлар муаллифники.

ФАХРИЙЛАР ЎЗБОЗДА

Қува тумани ИИБнинг ҳовлиси ҳар қачонгидан файзли. Бугун бу ерга милиция хизматининг машаққатларини ўз бошидан ўтказган, ҳозирги кунда эса нафақада бўлган меҳнат фахрийлари йиғилишган.

Истеъфодаги милиция майори Т. Раҳмиддинов, милиция катта сержанти К. Бозоров, милиция майори А. Ўринбоев, милиция старшинаси Ф. Мақсудов, милиция капитани Ғ. Жалолов,

ички хизмат капитани Х. Иномов, милиция майори И. Сотволдиевлар ўз иш тажрибалари ҳақида ёшларга сўзлаб беришаркан, уларни аввало интизомли бўлишга чорладилар.

Ушбу учрашувда туманлараро прокурор О. Иброҳимов, туман халқ судининг раиси Х. Турдалиевлар ҳам иштирок этдилар.

Йиғилишни маданият уйининг «Анор» ашула ва рақс дастаси мароқли куй қўшиқлари билан якунлади.

Р. РАҲИМОВ.

ЁШЛАР МУРАББИЙСИ

— Ўғирликнинг катта-кичиги бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда Андижон шаҳар ички ишлар бўлимининг воёга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи милиция капитани Рустамжон Ўрмонов. — Агар биз ўз ишимизга виждонан ёндошсак, олаётган маош-мизни ҳалолласак, ўғирликнинг турли кўринишларига қарши кураш олиб борсак, жиноятларнинг олди олинади, албатта.

Бўлимимиз ходимлари бажарётган ишларини жуда севадилар. Шу боис, ёшларда учрайдиган майда ўғирликлар, турли кўринишдаги жиноятларни тез пайқайдилар.

Мана, бир мисол. 1992 йил 24 март кuni Машина-созлик заводи ҳудудидаги савдо расласида кўзлари олазарак юрган, бирор бир кимсани қон қақшатиш фикрида

бўлган 1976 йилда туғилган Шавкат Юнусов Муборакхон Дадабоевнинг сумкасида пулини ўмараётган пайда кўлга олинди. Унга тегишли маъмурий чора кўрилди.

Ёшлар билан ишлаш ҳам қизиқарли, ҳам ташвишли. Улар ҳеч ҳаёлингизда йўқ ишларни содир қилиб қўядилар. Шаҳардаги 43-мактабда уятли расмлар чизадиган ўқувчи «рассом»лар пайдо бўлиб қолди. 14 апрель кuni ўша рассом-ўқувчиларнинг «иш»лари билан танишгани инспекторларимиз мактабга таъриф буюришди. Мактаб йўлагига илгинган уятли расмлар «муаллиф»лари ушбу мактаб ўқувчилари Манноб Аҳмедов, Араб Хайдаров, Бахтиёр Холбеков, Шухрат Умаралиев, Жамол Муҳторов ҳамда Нодир Хўжаевлар экан. Уларнинг ўқиши, оила шароитлари билан атрофича танишган ходимлар «ноёб истеъ-

дод»ларни қаттиқ назоратга олишди.

— Рустамжон, шу соҳада ишлай бошлаганингизга бир оз тўхталсангиз.

— Мен 1977 йили ишни оддий милиционерликдан бошладим. 1980 йили Тошкент шаҳридаги милиция мактабига ўқишга кириб, уни 1982 йили тугалладим. Мени Андижон шаҳридаги Шимолий мавзга участка вакили этиб тайинлашди. 1990 йили эса катта участка вакили, 1991 йилдан бошлаб эса Андижон ИИБ қошидаги воёга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекциясининг бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқдаман.

Турмуш ўртоғим украиналик Надежда Владимировна мен таҳсил олган 21-мактабда рус тили ва адабиётдан дарс беради. Икки фарзандимиз бор.

— Рустамжон, ишингиздан мамнунмисиз?

— Милицияда ишлашнинг ўзи бўлмайди, бу фидойилик талаб қилади. Халқ билан ишлаш усулларини топиш, жиноятларнинг олдини олиш инспекциямиз ходимларининг муқаддас бурчидир. Касбини сидқидилдан бажариб, ўн йилдан зиёд ишлаб келаётган милиция капитанлари Маматрайим Арапов, Қамбар ака Элликков, Азимжон Раҳматов, Исоқжон Зухриддинов, милиция катта лейтенантлари Артур Межлумов, Ҳамидулла Раззоқов кабилар шулар жумласидандир.

Улар шаҳардаги 51 та маҳалла, 7 турар-жой бошқармаси ходимлари ҳамда ҳунар-техника билим юртлари, техникумлари раҳбарлари билан яқиндан алоқа боғлаб, турли профилактик ишлар олиб бормоқдалар. Биз бугунги кунларда ёшлар билан турли жабҳаларда ишлашни авж олдириб юборганмиз. Ишончим комилки, яқин кунларда ёшлар ўрта-



сида бўлиб турадиган жиноятларнинг пайи қирқилади.

— Жамиятимизнинг келажаги бўлиши ёшларни чин исонлар қилиб, меҳнатсевар бўлишида олиб бораётган бугунги эзгу ишларнингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбатдош Сирожиiddин ХАЙДАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли транспорт милицияси бошқармаси ходимлари келинги пайтда ўз вазифаларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб, бир қанча жиддий ишларни амалга ошираётганлар. Яқинда мухбиримиз Мурод ТИЛЛАЕВ бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Анвар БАДАЛБОВ билан суҳбатлашди.

Қуйида эътиборингизга мана, шу мулоқотни ҳавола этамиз.

МУХБИР. — Анвар Сотқулович, авваламбор Сизни кўпсонли мухлисларимиз номидан масъулиятли лавозимга тайинланганингиз билан чин дилдан қутлайман.

А. БАДАЛБОВ. — Раҳмат!

М. — Анвар Сотқулович, мен сизни шахсан танимасдим, бироқ иш тажрибангиз, фаолиятингиз ҳақида кўп яхши гаплар эшитганман. Минг эшитгандан бир дақиқа дилдан суҳбатлашган афзал, албатта!

А. Б. — Жуда яхши! Эшитаман.

М. — Сизни милицияга нима бошлаб келган?

А. Б. — Мен кўҳна Тошкент асимнинг эски шаҳар маҳалласида ўсиб-улғайганман. Бир пайтлари бизда ёшлар қачонлардир жорий этилган норасмий қонунга амал қилиб келишарди. Шунга кўра, ўзингдан кичикни ҳимоя қилиш ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланарди. Мен ўша даврда маҳалла обрўини, кучсиз болаларни ҳимоя қиламан, деб ўзини қурбон қилган йигитларни кўрганман. Балки илк бор ўшанда эл-юрт оқолиштиганини сақлашга аҳд қилгандирман.

М. — Транспорт милицияси билан шаҳар, туман милицияси ўртасидаги тафовут нимадан иборат?

А. Б. — Четдан қараганда ўртада ҳеч қандай фарқ йўқдай. Аммо аслида улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, туман ёки шаҳар, вилоят милицияси ходимлари ўзлари ишлаётган маълум ҳудудда иш олиб боришади. Транспорт милицияси эса темир ҳамада ҳаво йўлларида сафарга отланган йўловчиларнинг соғ-омон манзилларига етиб олишини таъминлайди. Бундан ташқари жумҳуриятимиз ҳудудидан транспорт воситасида олиб ўтилаётган ёки чиқаётган юкларни назорат қилади.

М. — Сир эмас, аксарият раҳбарлар янги жойда ишнинг кадрларини алмаштиришдан бошлайди. Сиз қандай қилдингиз?

А. Б. — Жумҳуриятимизда халқ мулкни сақлашни яхшилаш, ўғирлик, порахўрлик, давлат интизомини бу-

зувчиларга қарши ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Чунки ҳануз қонунларни кўпол равишда оёқости қилаётган, жамият ҳисобига бойлик орттиришни давом эттираётган, яқин ўтмишдан зарур сабоқ чиқариб олмаётган кишиларга нисбатан мурасасизлик, талабчанлик вазияти вужудга келмаган.

Ички ишлар идораларида тартибни ўрнатиш, кадрларни мустаҳкамлаш учун кўрилган чора-тадбирлар шу кунларда ўз самарасини бермоқда. Яширмайман, илгари жиноятларни очиш бўйича кўрсаткичлар паст, профилактик ишлар суст, ўлда-жўлда олиб бориларди. Фуқароларнинг қонуний талаблари баъзан эътиборсиз қилиб кетарди. Энди-чи? Энди йиллар давомида йўл қўйилган камчиликлар қайтарилмаслиги учун бутун имкониятлардан фойдаланяпмиз, иш услуби ва усулларини ўзгартириш, ечимларнинг янгиланидан қўрқмаслик, ўтмиш хатоларидан тўғри сабоқ чиқаришни билиш лозим.

Хуллас, мен кўл остида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг афтига, ҳавонинг тафтига қараб эмас, балки уларнинг касб маҳорати, ҳалоллигига қараб баҳолайман. Шунда ишимизда унум бўлишига ишонаман. Демак, кадрларнинг бир қисmini алмаштиришга тўғри келди.

М. — Яқинда транспорт милицияси ходимлари томонидан бир гуруҳ текинтомоқлар қўлга олинди. Улар йиллар давомида Тошкент товар станциясида контейнерлар муҳрини бузиб, қимматбаҳо юкларни ўғирлаш билан шуғулланиб келишган экан.

А. Б. — Бунақа мисол кўп. Ножўя ташланган ҳар бир қадам кишини бадном этмай қўймайди. Текин бойлик кетидан қувиб, қинғир ишга кўл урганларнинг бир гуруҳини яқинда ходимларимиз қўлга олиб, устидан жиноий иш қўзғадилар. Шулардан бири — Олег Вячеславович Соколов. У ҳибсга олинганга қадар Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасида ишлаган. У «Уз-



стройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 8-автобус паркида слесарь бўлиб ишловчи В. Ю. Томосевич билан хуфий тил бириктириб, жиноий ишга қўл урди. Улар Тошкент-товар станциясига тўхтаган контейнерларнинг муҳрини бузиб очиб, катта миқдорда қимматбаҳо буюмларни ўмаришга «ихтисослашган» эканлар. Ўғирланган буюмларнинг бир қисmini турли жойларда арзон-гаровга пуллаб, жигилдонларидан ўтказиб юборишган, қолганлари тинтув пайтида уйларидан топилди.

М. — Эшитишимча, контейнер турмини бузишни мазкур станциянинг баъзи бир хизматчилари иккинчи «касб» қилиб олишган эканлар. Улар ҳақида тўхталсангиз...

А. Б. — Текин бойлик кетидан қувиб ўзларига ишониб топширилган вазифани сунистеъмол қилишгача бориб етган шахслар қанд ўрнига қалампис чайнаб олгандай доғда қолишди. Мана шундай тилини тишлаб қолганлардан бири — Бахтиёр Қўчқоровдир. У Тошкент алоқа ва сигнал дистанциясида ишларди. В. Қўчқоров ва шу бўлим электр монтери С. О. Кошовичлар вагонлардаги қимматбаҳо нарсаларни мунтазам равишда та-

лон-тарож қилиб келишган. Бу текинтомоқларни ходимларимиз қўлга олиб, устидан жиноий иш қўзғашди.

Яна бир мисол. Тошкент тайёрагоҳида юк ташувчи бўлиб ишлаган В. Е. Розақов касбдоши В. В. Шишенков билан ўзаро тил бириктириб, хизмат вазифасини ҳалол бажариш ўрнига турли республика, мамлакатлардан Тошкентга тайёрада олиб келинаётган қимматбаҳо нарсаларни имн-жимиди ўмариб, ҳамёнларини қаппайтириб келишган.

Бу нафс бандаларини ҳам ходимларимиз жиноят устида ушлашди. Ҳозир ишлари судда кўриляпти.

М. — Яқинда ойнан жаҳонда «Душанбе-Москва» поездида ходимларингиз жанговар қуролларни олиб кетаётган шахсн қўлга олишгани ҳақида хабар беришди. Ўша шахс ким? У жанговар қуролларни қаерга олиб кетаётган экан? Мумкин бўлса шулар ҳақида гапириб берсангиз.

А. Б. — Кемерово вилоятининг Уйский туманида 1963 йилда таваллуд топган С. В. Юрковский Термиздаги ҳарбий бўлималарнинг биридан 12 дона жанговар граната, 440 дона ўқ-дори, «Макаров» тўшпонасининг юртига пуллаш учун олиб кетаётганда поездда сергак

ходимларимиз томонидан қўлга олинди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

М. — Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан бошқармангизда қандай ишлар амалга ошириляпти?

А. Б. — Мана, жумҳуриятимиз мустақилликка эришди. Бу жуда катта, тарихий воқеа. Менинча, унинг қанчалик муҳимлигини ҳали республикамизда яшаётган аҳолининг кўпчилиги қисми яхши англаб етгани йўқ, шекилли. Шунинг учун ҳам баъзи бир идора, муассаса раҳбарлари давлат тилига ўтишга негадир суоткашлик, эътиборсизлик билан муносабатда бўлишяпти. Бошқармага ишга ўтган кундан бошлаб тил масаласини кўндаланг қўйиб келяпман. Маҳкамамизда меҳнат қилувчи бошқа миллат вакиллари учун ҳафтада икки марта Ўзбек тилини ўргатиш йўлга қўйилди. Бошқармада ҳужжатлаштириш ишларини ҳозирча ўзбек ва рус тилларида олиб бораёلمиз. Айни пайтда уни ягона — давлат тилига ўтказиш хусусида ўй-ляпмиз.

М. — Ибратли миллий урф-одатларимиз қайтадан тикланиб бораётганига қандай қарайсиз?

А. Б. — Ижобий! Мен бунини чин дилдан қутлайман. Рост, анча пайтдан бери тарихимиз топталиб, расм-русмларимиз оёқости бўлиб келаётганини кўриб ич-ичимдан эзилиб, дилимдагини тилимга чиқаролмай юргандим. Энди билсам, менга ўхшаган дили куйганлар кўпчилигини ташкил қиларкан. Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг фармони билан «Наврўз»имиз қайта тикланди. Динга муносабат кескин ўзгарди. Ҳали бундан ҳам яхшиланари кутилмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар ўз навбатида бошқармамиз жамоаси фаолиятига таъсирини кўрсатаёпти. Биргина мисол, бу йил бошқарма тарихида биринчи марта юртга ош тортилиб, «Наврўз» байрами кенг нишонланди.

М. — Шпорингиз?

А. Б. — Текинтомоқларнинг сонини бугун кечагидан кўра кўпроқ қамайтириш...

М. — Бу савобли ишда Сизга ва сергак ходимларингизга омад тилаб қолам.

А. Б. — Раҳмат.

Суҳбатдош: Мурод ТИЛЛАЕВ.

Ижод

(Давом. Боши ўтган сонларда)

— Сумкача уникими?
— Нима, ўзининг ақлиниг етмайптими?

Ретник мутлақо гангиб қолганлиги сезилиб турарди.
— Нима бало! Уни ўлдирганини тан оласанми?

— Мен фақат қўлимга тушган карталарни очаяман, холос. Бошқа ҳеч нарса қўлимдан келмайди. Улардан қандай фойдаланиш сенинг ишинг.

У дарвоза ёнида навбатчилик қилаётган полициячини чақирди ва тезда Палскиини бошлаб келишни буюрди.

Уларни кутаётганимизда Ретник яна сумкача билан тўппончани кўздан кечириб чиқди, аммо уларга қўл теккизмади.

— Ҳозир ҳаётинг учун ҳатто икки чақа ҳам бермаган бўлардим, — деди у. — Ҳатто икки чақа ҳам.

— Агар топган нарсаларимни сенга кўрсатгани бу ерга олиб келмаганимда, мен ҳам ҳаётимни икки чақадан ортиқча баҳоламадим. Аммо келган эканман, икки чақа беришим мумкин, лекин ундан кўп эмас.

— Сен машинангни доим қўлфлаб юрасанми? — сўради Ретник, унинг мияси баъзур ҳаракатга кела бошлаганди.

— Ҳа, лекин ёзув столимда, тўппончанинг ёнида калитнинг иккинчи нусхасини сақлардим. Қараганим йўғу, лекин гаров боғлашим мумкин у ҳозир йўқ бўлиши керак.

Ретник жағини қашлаб қўйди.

— Тўғри. Тўппончани қидираётганимда ҳеч қандай калит йўқ эди.

Ховлида дўпир-дўпир қадам ташлаб Пальский пайдо бўлди.

— Мана бу машинани текширишга олиб бор, — деди унга Ретник. — Ҳаммасини обдон текшир. Сумкача ҳамда тўппонча билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинлар. Тўппончани, яхшиси Леси кўздан кечириб чиқсин. Илдам ҳаракат қил.

У менга бош иргитиб, орқамдан юр дегандай имо қилди. Ховлини кесиб ўтди ва зинадан кўтарилиб, деворлари оқ қошн билан қопланган даҳлизга кирди. Ҳама полиция муассасалари каби бу ер ҳам сасиб-бижиб кетганди.

Ўйлаб бўйлаб яна юрдик, зинадан кўтарилиб, охири каталакдай бир хонага кирдик. Унда стол, иккита курси, мўъжазгина жавонча бўлиб, чоғроқгина деразадан ёруғлик тушиб турарди. Бу ер худди етимхонадагидай «шинам» эди.

Ретник менга ўтиришга имо қилиб, ўзи ҳам ўтирди.

— Бу сенинг хонангми? — қизиқиб сўрадим. — Мен бўлсам, шаҳар хокимининг қариндоши сифатида сенга юмшоқ меҳел кўпроқ ярашса керак деб ўйлардим.

— Менинг турмушим ҳақида қайғурмай қўя қол ўз ташвишинг бошингдан олиб ётибди. Агар уни шу тўппончадан олигани ҳамда сумкача ҳам уники эканлиги маълум бўлса, мурдадан ортиқча жойинг йўқ деявер.

— Шундай деб ўйлайсанми? — дедим мен, суянчиги билан курсига қўлайроқ ўрнатар эканман. — Биласанми, мен ўн дақиқами ёки ундан сал кўпроқми, тўппончани оқава сувга, сумкачани эса денгизга улоқтириб юбориш вазиваси билан курашдим. Агар шундай қилганимда эди, лейтенант, на сен, на сенинг шаҳарда тартиб сақлаётган шоввоз йиғитларинг қўлларингни бурниларингга тикиб қолаверардиларинг. Лекин мен сенга им-

кон бермоқчи бўлдим.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Атайлаб машинамга солиб қўйганлари учун, уларни ташлаб юбормадим. Озгина ўйлаб кўрсанг, ҳаммаси ўз ўрнига келади. Мободо мен уларни йўқ қилиб юборганимда, сен ҳеч қачон масаланинг тагига етолмасдинг.

У бошини бир томонга эгиб олди.

— Хуллас, менда тўппонча билан сумкача бор. Нега сен мени бу лаънати жумбоқни ечмоқчи деб ўйлайсан?

— Чунки, сен мени ҳеч нарса қила олмайсан. Қотилни топишингга тўғри келади. У эса худди мана шунини истамаётир.

Ретник маънос ўйга чўмди, сўнгра папирос қутисини

қасида жалб этишим мумкин. Қайси бири сенга маъқул?

— Кўнгилли ёрдамчи бўлиш.

У телефонга қўл узатди. — Бу ёққа кир! — деди кимгадир.

Хонага фуқаро кийимидаги ёш йигит кириб келди. У ишга берилган хизматчи бўлиб, полициядаги муҳит ҳали унга таъсир кўрсатишга улгурмаган эди. У Ретникка худди эгасидан суяк кутаётган кучукчадай термулиб қарарди.

Гўё камбағал қариндошини таништираётгандай, Ретник менга бармоғини ниқтаб, жирканаётганнамо гапирди:

— Мана бу кимса Нельсон Рейн. Менга керак бўлгунга қадар, унга ҳамроҳ бўласан. Бу эса Петерсон.



чиқариб, менга сигара тақлиф этди. Беш йиллик танишлигимиз мобайнида бу унинг биринчи дўстона илтифоти эди. Гарчи, сигарани унча ёқтирмасам ҳам олдим, унинг муросага келиш истагини қувватлаш керак эди-да.

Бир-биримизни қуюқ тутунга чулғаб, чекишга тутиндик.

— Окей, Рейн, — деди Ретник. — Мен сенга ишонаман. Уни сен бир ёқлик қилгансан деб ўйлагим келадими, аммо бу бизни ҳақиқатга яқинлаштирмайди-да. Агар шундай деб ўйлаганимда ўзимни анча-мунча ташвишдан ҳалос этган бўлардим, аммо бундай қила олмайман. Сен шунчаки бир изқуварсан-у, бироқ аҳмоқ эмассан. О кэй, шунга қарор қилдик. Ўйлайманки, тил топишиб кетамиз.

Кўнглим бир оз равшан тортгандай бўлди.

— Лекин менга кўпам орқа қилаверма, — давом этди у. — Ҳамадан кўра бошлиқни кўндириш қийин бўлади. У тажаниб бир шахс. Агар сен билан келишиб олганимни билиб қолса, типирчилаб қолади. Холбуки, кўндира олсам, унда начора?

Бу гапларга нима ҳам дея олардим. Шунинг учун индамай қўя қолдим. Ретник деразага тикилганча бирмунча вақт сукут сақлаб турди.

— Сенинг хусусингга бир қарорга келгач, ҳамма нарсанинг оёғини осмондан қилиб юбордим, — деди ниҳоят у. — Сени гувоҳ сифатида ёки кўнгилли ёрдамчи тари-

У бизга яқинда келган: уни қўлга олишга шошилма, бошқалар бузишга қолсин.

Петерсон мени йўлакча бўйлаб бошқа бир каталакча олиб кирди. Бу ердаги ўтириб қолган бузуқ ҳавога қандайдир тозаловчи дорининг ҳиди ҳам қўшилган эди. Мен деразага яқинроқ жойга ўтирдим, ҳангу-манг бўлиб қолган Петерсон эса курсига чўкди.

— Ҳаяжонланма, — дедим мен. — Эҳтимол бу ерда бир неча соат бўлишимга тўғри келар. Бошлиқнинг хитойлик аёлни мен ўлдирганлигини исботламоқчи, лекин бу унинг қўлидан келмайди.

Унинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

Бир оз кўнглини очиш учун Ретникнинг совғаси-ярмигача чекилган сигарани узатдим.

— Бу музейга қўйилса бўладиган нарса. Мажмуанга олишни истайсанми? Ретникнинг сигараси. Ўз музейинг борми?

Гўр фидокор-жафокашнинг афти тошдай қотти қолди. Энди унинг пихини ёрган полициячидан деярли фарқи қолмаган эди.

— Э, қўйсанг-чи, бирор нарса деб валақлашим керак-ку, ахир ёки сенинг тарбиянг бунга йўл қўймайди-ми?

Шундай дер эканман, илжайиб қўйдим. Бир оз иккиланиб тургач, у ҳам илжайди. Хуллас, келишиб олдик. Тушлик қилдик. Сўнг столдан карта чиқарди. Гугурт чўпи қўйиб, ўйнай бошладик. Гугурт қутисидagi бар-

ча чўпларни ютиб олдим-да, кейин қандай алдаганимни кўрсатдим. Ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Вақт ўтказиш учун уни ҳам бу лўттибозликка ўргата бошладим. Бало шогирд чиқиб қолди. Соат саккизларда, кечлик овқатдан сўнг барча чўпларни қайтадан ютиб олди.

Ярим тунга яқин телефон жиринглади. У телефондаги гапга бир дам қўлоқ солиб турди-да, «Хўп, сэр» деганича трубкани жойига қўйди.

— Лейтенант Ретник сени кутаяпти, — деди у ўрнидан турар экан.

Ретник ҳорғин ва асабий кўринар эди. Менга ўтиришни имо қилиб, Петерсонга ҳам ишора билан чиқиб кетишни буюрди. Узоқ давом этган сукунат мобайнида бир-биримизга роса тикилиб ўтирдик.

— Омадли одам экансан, Рейн, — деди у. — Яхши, уни сен ўлдирмаганинга мен ишонардим, лекин бунга бошлиқни ишонтириш керак эди, бу эса ниҳоятда қийин иш. Мен ишонтиришнинг уддасидан чиқдим. Сен ит-ваччанинг омадинг чопиб қолди.

Мана, ўн беш соатдирки, шу бинодаман. Бу вақт ичида тўғри юриш қилдимми-йўқми, деб гумонсиратган дамлар ҳам бўлди. Баъзида: энди тамом бўлдим, деб ҳам ўйладим. Унинг гапларини эшитгач, бир оз хотиржам бўлиб, енгил нафас ола бошладим.

— Ҳа, омадим келибди, — дедим.

— Нимасини айтасан! — деди у, оғзида ўчиб қолган сигара борлигини унутиб, янгисини чиқарар экан. Сўнг кулганича уни саватга улоқтирди-да, гапида давом этди. Ўн тўрт соатдан бери ҳаммамиз фақат шу иш билан машғулмиз. Тасодифан бир гувоҳ топдик, у сени соат икки яримда Коннот хиёбонида машинада ўтирганингни кўрган. Бу гувоҳ бошлиқимизни ўлгудек ёмон кўрадиган бир адвокат экан. Унинг кўрсатмалари бошлиқимиз сенинг бўйинингга оқмоқчи бўлган ишни чиппақка чиқарди. Хулоса шуки, уни сен ўлдирмагансан.

— Сўрасам бўлар: бирор кимсadan гумонингиз борми? У менга папирос қутисини узатди, лекин бу сафар рад қилишга журъат этдим.

— Ҳозирча ҳеч кимдан гумонимиз йўқ. У, ким бўлишини қатъий назар, ишни дўндирган. Далиллар йўқ, яъни, пичоққа илинадиган бирор нарса топа олмадик.

— Аёл ҳақида ҳеч нима биладингми?

— Албатта, бу унчалик қийин бўлгани йўқ. Сумкачасида аёлларнинг одатдаги лаш-лушларидан бошқа ҳеч нарса чиқмади. Лекин қўналгадан у ҳақида баъзи нарсаларни аниқладик. У Гонконгдан учиб келган экан. Исми-шарифи Жо-Эн Жефферсон. Ишонасанми, у нефть қироли Ж. Вильбурт Жефферсоннинг келини экан. Бундан бир йилча муқаддам Гонконгда Жефферсоннинг ўғли Германия турмушга чиққан. Германия яқинда автомобиль ҳалокатида ҳалок бўлди, Жо унинг мурдаси солинган тобутни олиб келибди.

— Нега? — ҳайрон бўлдим мен.

— Қари Жефферсон ўғлини онлавий ҳилхонада дафн қилишларини истаган. Мурдани олиб келиш харажатларини ҳам ўзи тўлабди.

— Ўлик қаерда?

— Қўналгада уни дафн қилиш бюросининг ходими қабул қилиб олган, ҳаммаси қонуний.

— Текшириб кўрдингми?

У ясама тишларини кўрсатганча, оғзини лаг очиб, ҳомуза тортиди.

— Ўғитларинг бошингга

қолсин, аблаҳ. Мен тобутни қараб чиқдим, қоғозларни текширдим — ҳаммаси жойида. Аёл Гонконгдан бу ерга соат бир яримда учиб келган. Такси олиб, сенинг идорангга кетган. Мен энг ажаблантирган нарсаси шуки, нега у келган заҳоти сенинг олдинга йўл олган ва қотил бунини қаердан билган. Сенда қандай иши бўлган?

— Ҳм. Агар марҳума гонконглик бўлса, унда умуман мен тўғримда қаердан эшитган?

— У сен кетгандан сўнг, соат еттида идорангга кўнғироқ қилган, деган тахмининг ҳам пучга чиқди. Бу вақтда у ҳавода бўлган. Маъбодо хат жўнатганда, сен олган бўлардинг.

Мен ҳам ўйга толиб қолдим.

— Хардвик уни қўналгада кутиб олди, дейлик. Соат олтида ўша ердан менга кўнғироқ қилган, дейлик. Аёлни кутиб олганда ўзини мен деб таништирган, дейлик. Жо-Эн тобутни расмийлаштираётганида олдинроқ бу ерга келиб, дарвозани очган, дейлик. Уни очиб қийин эмас. Шундан сўнг, уни кутиб ўтиришдан бошқа иши қолмаган.

Менинг бу тахминларим Ретникка унча ёқмаганга ўхшайди. Тўғриси, улар ўзимга ҳам ишончли бўлиб кўринмасди.

— Лекин унга сендан нима бало керак бўлган?

— Агар бунини билганимизда эди, савол бериб бир-биримизни қийнамаган бўлардик. Унинг юки қаерда? Нимаси бор экан, текшириб кўрдингми?

— Ҳа. У юкларини қўналгада қолдирган экан: битта деярли бўш жомадонча, икки кийим. Будданинг ҳайкалчаси билан диний маросимларда ёқиладиган бир неча дона шағам. Саёҳатга деярли ҳеч нарсасиз чиққан.

— Қари Жефферсон билан гаплашдингми?

Ретникнинг башараси тўндалади.

— Ҳа, гаплашдим. Ўзини худди ичак-чавоғимни суғуриб олмоқчи бўлган одамдай тутди, суғуриб оладим. Қўли узун онлавлар билан мулоқотда бўлишдан ёмони йўқ, уларнинг ҳаммасини жин урсин. Қайнағам ҳам Жефферсонни эслатади, у ҳам оёғини ялашимни ва ҳовучида сув қайнатиб беришимни истади.

— Лекин унинг фойдаси ҳам тегади-ку.

У марварид тўғноғини ушлаб қўйди.

— Ҳар доим ҳам эмас. Ҳар ҳолда қари така бир қарич ҳам чекинмайди. Келинининг қотилини ушлашимни талаб қилмоқда, акс ҳолда бошинг балодан чиқмайди. У бу ердаги ҳамма ишнинг бошида туради.

— Жефферсон ёрдам бера олмайдими?

— Албатта, йўқ.

— Менга уч юз доллар келтирган югурдак тўғрисида нима дейсан? У қотилни кўрган бўлиши мумкин-ку.

— Сен, аблаҳ ўзингни мендан ақллироқ ҳисоблама. Мен уни синаб кўрдим, ҳеч нарса билмайди. Лекин мана бу томони қизиқ: пул солинган қоғоз халтачани айғоқчиликка соат тўртда олиб келишган. Айғоқчилик эса, ўзинг биласан, идорангни рўпарасида жойлашган. Бу калтафаҳм клерклар (майда хизматчи) пулни сенга соат олтидан йигирма дақиқа ўтганда олиб келиш тайинланганлигини айтишди. Уни ким бошлаб келганини эса эслаб қолтирмаган.

— «Херрон Корпорейшн»дан сўрамадингми, Хардвик у ерда ишлар эканми?

(Давоми кейинги сонда).

НАМАНГАН

ЧУЧКА ЕҒИ
ДАРДИДА

Поп туманининг Гулбаҳор ўрами (посёлкаси)да фаолият кўрсатаётган «Ғалаба» ширкати кичик йўқотишга учради: ширкатнинг бир бош чўққасини номаълум шахслар ўғирлаб кетишди. Кўп ўтмай «хрюша»нинг янги эгалари топилди. Улар халқободлик тўрт «сала»хўр экан.

*ЗИДАН ЧИҚҚАН
БАЛО

Н. Сахарова уйига ўғри тушганлиги ҳақида Совет тумани ички ишлар бўлимига хабар берди. Суриштирув-текширув ишлари бошланди ва унинг натижа-си жабрланувчини саросимага солиб қўйди. Чунки ўғри ўзининг «собственный» ўғли бўлиб чиқди.

БОШИ КАЛ,
ДИЛИ НОЗИК

Учқўрғонлик Н. Асқарованинг йўқолган бир дона тилла узуги махсус комендатурада жазо муддатини ўтаётган маҳбусдан чиқди. Кўнгилни қаранг, ўзи қамолда-ю...

МАВСУМ БОШИДАН
БУЕН

Ўз далаларида жавлон уриб меҳнат қилишадиган уйчилик Н. Имомов ва задарёлик Б. Ҳамидовлар олдиларига мақсад қилиб қўйган режаларининг устидан чиқилари мумкин эди. Аммо «орган»дагилар ёмон халакит беришди. «Шафқатсиз»лар Имомовнинг 6 минг 800, Ҳамидовнинг 2 минг 700 (меҳр билан парвартиш қилинганлиги туфайли) эндигина «ҳосил»га қираётган кўкнориларини илдирилди билан суғуриб, ёқиб юбордилар.

И. КАРИМОВ,
Вилоят ИИБ матбуот
гуруҳи ходими, милиция
майори.

ОЁҚ ОСТИГА
ҚАРАБ ЮРИНГ

Етти минг уч юз тўқсон. Бу жорий йилнинг ўтган беш оини мобайнида жумҳуриятимиз бўйича содир бўлган ёнғинлар миқдори. Моддий зарар — 16 миллион сўм. Ёнғинларнинг 5 минг 668 таси кўп қаватли турак-жой биноларида 11 миллион сўмлик зарар келтирган ҳолда рўй берган. Йиллар ичида мисқоллаб йиғилган бисотлар нари-бериси 5-10 дақиқада йўқ бўлган-қўйган.

Ҳавога учайтган миллионларини бир чеккага қўя турарлик. Уларнинг ўрнини қоплаш мумкин. Шу ёқимсиз алаанга туфайли одамлар бир умрга етгулик жароҳат олсалар-чи? Қўйиб, қоп-қора кўмирга айлалсалар-чи? Ана буниси ёмон. Триллионлар сочинг, уларнинг қўл-оёғини ёки жонини қайтара олмайсиз!

Чуст туманининг Чуст давлат хўжалигида истиқомат қилувчи А. Исоқова овқат пишираётганда, нимадир эсига тушиб, эшикни қўқлаб қаёққадир чиқиб кетган. Уйда уч норасидани эса, аёл қайтиб келгунча, олов ўз қомига тортиб бўлган.

Термизлик аёл ҳам назоратсиз қолдиргани учун энди бир умр уч фарзанди доғда қуядиган бўлди.

Азизлар, юқоридагилар қарийб етти ярим минглик фалокатдан бор-йўғи икки-тагинаси. Аммо бу кўнгилсизликлар дунё нелигини англаб етмаган олти жонни олиб кетди. Қолганларида-чи?

Фалокат — оёқ остида, дейдилар. Оёқ остига қараб юришини унутманг. Бисот, жон ҳаммага ҳам керак.

Э. САТТОРОВ.

АНДИЖОН

Жалолқудуқлик Раҳим билан Ботирлар меҳмондорчиликка товуқ шўрва тайёрлашди. Бироқ нопок йўл билан тайёрлаган таомлари тешиб чиқди. Воқеа бундай бўлганди.

Икки дўст кечки сайрда ошниси Шокирни учратиб қолишди. Учқовлон юз грамм-юз граммдан отиб отамлашгани режалаштиришди. Муаммони Ҳабибулло ака ҳал қилиб берди. У уйда хизмат қилаётган усталар учун олиб қўйган винолардан етти шишасини уларга берди. Буни шоввозлар кўчанинг бошига етмасдан жигилдонларидан ўтказиб юборишди. Раҳим билан Ботирлар йўлда яна озгинадан ичинини такфил қилишди. Айниқса, уларга товуқ шўрва билан қиттак қиттак қилиш ёқиб қолганди. Кўнгиллари яна товуқ шўрвани тусаб қолди. Бу муаммони бир онда ҳал этиш мумкин. Ахир, истаган хонадонга кирсанг, товуқдан кўли борми. Улар шундай қилишди. Ҳамқишлоқлари Акбарали ака ҳовлиси-га киришиб, саккизта то-

ЖИЗЗАХ

Шу йилнинг 28 июнь эрта тонгги. Соат тўртдан ўн беш дақиқа ўтаётди. Ҳамма ширин уйқуда. Бироқ Жиззах шаҳар ИИБ бўлими ходимлари ўз постларидеда ҳушёр туришибди. Ҳайдовчиларнинг мастлик даражасини аниқлаш, уларни наркологик диспансерга элтиш, ҳужжатлаштириш — ҳаммаси мана шу осойишталик посбонлари зиммасида. Шу пайт узоқдан велосипед минган кимса кўринди.

У назорат постига яқинлашгач, шаҳар ИИБ ЖКБнинг оператив ходими милиция лейтенанти Н. Сариев уни тўхтатди. Велосипедга катта қоп орқалаган бўлиб, эгаси уни очиб кўрсатишдан бош тортиди. У Н. Сариевнинг қонуний талабларига

ҚАШҚАДАРЁ

Шу йилнинг 10 майга ўтар кечаси. Соат роппа-роса 01. Қарши тумани ички ишлар бўлимига 01-12 ҚФМ давлат рақамли ГАЗ-53 автомашинаси Бешкент шаҳар С. Айний кўчаси, 10-уй ёнидан олиб қочиб кетилгани ҳақида маълумот тушди. Тезкор гуруҳ йиғилгунча жиноятчи машинада шаҳардан анча узоқлашиб кетди, бу эса из йўқолишига олиб келиши мумкин.

Ҳайдовчи Баҳриддин Шерхоннинг берган кўргазмасига кўра бўлим навбатчиси шошилинч равишда Давлат автотранспорт бўлими-нинг милиция сержанти Худой Сафаров, қўриқлаш бўлими ходими, милиция сержанти Рашид Сиддиқов ҳамда навбатчи ҳайдовчи Тўра Жўраевларни машинанинг изидан юборди.

Улар йўл атрофини синчиклаб кузатиб бораётиб ўзларича фикрлашибди: «Ма-

НАВОЙИ

Ҳозирда ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган Борис Саидов 13 марта бегоналар уйида чақирилмаган меҳмон бўлган. Навойи шаҳар кўчаларидан бирида Борисга шуҳба қилган жиноят қидирув бўли-мининг ходими милиция

ТОВУҚ ШЎРВА ТЕШИБ ЧИҚДИ

вуқ ва бир хўрозни қўлтиқлаб чиқишди.

Улар иккита товуқ ва битта хўрозни яшириб, олти-та-сини қозонга солдилар. Товуқ пишгунга қадар яна Ҳабибулло аканикига чопдилар. Винони қўлтиққа жойлаб келаётиб, Шокирни меҳмондорчиликка етаклашди. Бироқ, товуқларнинг ўғирланганлигини айтишмади. Хуллас, товуқ гўшти ҳам пишди. Роса отамлашиб ўтириб, қарашса, товуқларнинг қолганлари ўлиб қолибди. Насиб қилмагани шу-да!

Жалолқудуқликлар товуқ шўрва ичишганда қўрғонтепалликлар улардан наст келгиси келмаганга ўхшайди. Чунки, Энгельс жамоа хўжалигида яшовчи Абдуқаҳҳор ҳам ошниси Абдулажон билан биргаликда бир бош сигирни ўғирлашди. Улар ўзаро тил бириктирган ҳолда Жалолқудуқ тумани Свердлов номли жамоа хўжалигида яшовчи Фаридахоннинг ҳовлисидаги 10 минг сўмлик сигирни етаклашган.

Бироқ сигирни қишлоғига бошлаб келдилар-у, қай-

га яширишни билмай ўйла-ниб қолишди. Қарашса, қўш-ниси Абдулхайнинг янги қурилаётган уйи бўш ётиб-ди. Сигирни ўша ерга боғ-лаб қўяқолишди. Эрталаб Абдулхай уйдан хабар ол-гани келса, сигир турибди. Ҳайрон бўлган Абдулхай тўғри Абдуқаҳҳорни-кига кирди. Ундан воқеани сўра-ди. Бироқ Абдуқаҳҳор си-гирни ўғирлаганини айтма-ди. Аммо бошқаларнинг бун-дан огоҳ бўлиб қолишидан қўрқиб, бош қашиб қолди. Охири икки дўст сигирни кўчага ҳайдаб юборишди. Сигир санқиб-санқиб, қай-га боришини билмай Мама-содиқнинг ҳовлиси-га кириб қолди-ю сир фох бўлди.

Аслида-ку, икки оғайни қилмишини ёлғон-яшиқ сўз-лар билан яширмоқчи бўл-дилар. Бироқ, қингир иш қирқ йилдан кейин бўлсада фох бўлади.

Равшанбек ТУРҒУНОВ,
Жалолқудуқ тумани
ИИБ бош терговчиси.
Саминжон ҲУСАНЗОДА,
Андижон вилояти ИИБ
«Садоқат» рўзмаси-
нинг мухбири.

ЎҚ УЗИЛДИ...

бўйсунуш у ёқда турсин, жисмоний таъиниққа ўтди. Бир неча бор ходимга мушт туширгач, шайтонраваси билан туртиб, лейтенантни йиқитди ва қўйнидан пичо-ғини чиқарди. Н. Сариев тўппончасига қўл узатди. Бунни кўрган номаълум шахс жуфтани ростлаб қолишга уринди. Н. Сариев фурсатни бой бермай икки мар-та осмонга оғоҳлантирувчи ўқ узди. Бироқ қочоқ бунга парво ҳам қилмади. Лейте-нант оёғини нишонга олди. Яна ўқ узилди.

Маълум бўлишича, 1967 йилда туғилган У. Турсунов шу тун «Ўзқолхозстрой» идорасини ўмариб келаётган экан. Унинг қопидаги Япо-нияда ишланган телефон ап-парат, 2 дона парда, бир

кийимлик газмол, 2 дона дастурхон, 12 дона кўрпа жилди, 2 та хорижий эркак-лар қўйлаги, 10 та сочиқ, битта «Олимпия» радиопри-ёмниги, «Молия» стол соа-ти, қўл соати, 2 қутн ҳинд чойи, йиғма ошхона идиш-ла-ри, нақд 1500 сўм пул, бир дона тиббий қайчи, жарроҳ-лик асбоби, қўлқоплар ўз эгаларини тонди.

Ҳеч қаерда ишламай эг-риликка қўл урган У. Тур-сунов илгари — 1985 йилда ҳам ўғирлик қилиб «Ўтир-гану» бироқ, тавбасига тая-маган экан-да... Афсус.

Шаҳар прокуратураси Н. Сариев кўрган зарурий чора — қурол ишлатганини қонуний деб топди.

С. ИЗВОСАРОВ.

ЖИНОЯТЧИ ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

шина Бешкент-Ульянов йў-лидан кетибди. Демак, уни К. Маркс давлат хўжалиги маркази орқали ўтган йўлда кутишимиз керак. Чунки ҳамма йўл шу ерда кесиша-ди...».

К. Маркс давлат хўжали-ги билан У. Юсупов туманига қарашли 10-давлат хўжалиги чегарасига етганда сергак ходимларнинг кўзи йўл четига тўхтаб турган машинага тушди. Яқинроқ бориб қарашса, қидириб юрган ГАЗ-53, 01-12 ҚФМ рақамли машина. Унинг ёнида эса 25-26 ёшлардаги ширакайф йигит турарди. Милиция ходимлари маши-нанинг эгасини суриштириш-ганда, у машинани Хуршид исмли йигит бошқариб кел-ганини, милицияни кўриб жуфтани ростлаб қолгани-ни айтди.

Аммо ҳушёр осойишталик посбонлари бу ёлғонга учинмади. Давлат автона-

зорати ходими Сафаров ше-риклари билан эгасиз, ма-шинани ва «Йўловчи» йигит-ни ички ишлар бўлимига олиб кетишди. Тергов пай-тида ўғирланган машина «Дренажстрой» трестига қарашли 10-механизация-лашган бошқармага қараш-ли бўлиб, унинг ўғриси эса — Ульянов туманининг Бай-доқчи қишлоғидан, 1967 йилда туғилган ишчи Шав-кат Ниёзов бўлиб чиқди. Осойишталик посбонлари-нинг ўз вақтида қилган ҳа-ракатлари туфайли жиноят-чилар қисқа муддат ичида қўлга тушди. Халқ суди Ниёзовни Ўзбекистон жум-ҳурияти жиноят мажмуаси-нинг 2092-моддаси билан айбдор деб топиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Х. НОРПУЛЛОВ,
Қашқадарё вилояти
«Қўриқлаш» бошқарма-
си бошлиғи, милиция
подполковниги.

БЎЙНИГА ОЛДИ

лейтенанти Раҳим Рўзиев уни тўхтатиб ҳужжатлари-ни кўздан кечирганда, у ала-лақандай безовталаниб кет-ди.

Борис ИИБга келтирилган-да ҳаммаси равшан бўлди қолди. Куйбишев кўчаси 50 уй, Фурманово кўчаси 45 уй, Карманово шаҳарчасида-

ги К. Маркс кўчаси 5 уй, ҳамда Фурқат кўчаси 17 уй 2-хонадонда кирганини, жа-ми эса 12 марта ўзгалар уйида ўғирлик қилганини бўйнига олди. Айни пайтда тергов давом этмоқ-да.

О. МАХМАЮСУПОВ.

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ

БИТТАСИ КАМ

Эндигина ўн саккизга қи-раётган Малик ҳунар-техни-ка билим юртида ўқиб юр-ган чоғида мотоциклга ҳа-вас қўйди. Сотиб олай деса пул йўқ.

Тунда қўлига темир арра олганича фуқаро Волоки-тиннинг мотоцикли туради-ган гараж ёнига келиб, унинг қўлфини арралади ва ёқимтой «Планета-5»ни судраб шу яқин ўртадаги анҳор ёнига олиб борди. Ле-кин биттагина мотоцикл билан кетавериш негадир ўнғайсиз туюлди, уни шу ерда қолдириб ортига қайт-ди. Бояги ўғирлик қилган жойида яна бир гаражни кўз остига олиб қўйган эди.

Бу қўлфини ҳам арралаб бўлиб, эндигина ичкарига кирган чоғида қадам товуш-ларини эшитдию, жуфтани ростлади.

Орадан кўп ўтмай сир ошкор бўлди. Бўстонлиқ тумани халқ суди тегишли жазони ҳам белгилади.

М. ҲАКИМОВ.

ЖАЗОСИНИ ТОРТИШАДИ

Раҳматулло билан Фарид тунда оқумли касалхона омборхонасининг томини кў-чириб, ўғирликка тушибди. Ўша кун улар жа-ми 700 сўмга яқин нарсаларни ўма-риб кетишди. Фарид-ку тез-да қўлга тушди-я, лекин Раҳматулло анча вақт қо-чиб, яшириниб юрди. Охи-ри Юқори Чирчиқ тумани ИИБ қидирув эълон қилди. Орадан уч ой ўтиб «қочоқ» ушланди. Қилмишига яраша жазони эса суд белгилайди.

М. ИСРОИЛОВА.

ОВ МИЛТИҒИ
ОТИПМАДИ

5 июль кунни эрталаб со-ат 9 ларда Қ. Авезов номли давлат хўжалиги фуқароси К. Отениязовнинг уйига та-ниши К. Романов маст ҳол-да келади. Қутилмаганда ов милтиғини чиқариб уй эгаси-га дўқ-ўпаса қилаётганини кўриб қолган Отениязовнинг ўғли вақтида Чимбой тумани ИИБга қўнғироқ қилади. Зум ўтмай етиб келган ми-лиционерлар жиноятнинг ол-дини олишга муваффақ бўл-дилар. Жиноятчи устидан эса жиноий иш қўзғатилди.

ПУЛ ҲАМ ТАҚЧИЛ,
МАШИНА ҲАМ

Ўтган йилнинг декабрь ойида Амударё тумани Ман-ғил қалъаси фуқароси С. Ибрагимовга ўзини Қорақал-поғистон Жумҳурияти Ва-зирлар Маҳкамасида ишлай-ман, деб таништирган но-маълум кимса ундан 200 минг сўм пул олгач, эвазига енгил машина олиб бериш-ни ваъда қилган. Орадан ма-на 8 ой ўтди-ки на маши-на, на одамдан дарак йўқ.

Бағри дили хун бўлган Ибрагимов яқинда Нукус ша-ҳар ИИБга келиб, бу ерда-гиларни воқеадан хабардор этди. Ҳозир суриштирув олиб борилмоқда.

МОЛ УҒРИСИ
ҚИДИРИЛЯПТИ

3 июлдан 4 июлга ўтар кечаси Беруний жамоа хўжа-лигида истиқомат қилувчи, нафақахўр А. Омаев молхо-насида сигир ва бузоғини номаълум кимсалар томони-дан ўғирланганлиги ҳақида милицияни хабардор қилди. Ҳозир қидирув ишлари олиб борилмоқда.

ЗИЕД.

Хар соҳада

БИР ОЛАМ
КУЛГИ

ТЕЛЕВИЗОР БЎЛМАСА...

Уқитувчи: — Болалар, қани, айтинг-чи, қачон ҳаёт сўниши мумкин?

Уқувчи: — Қачонки, ҳаво, сув ва телевизор бўлмаса-да.

«ҲОЗИРЖАВОБЛИК»

Уқитувчи: — Тўрт дона олмани бешта одамга қандай бўлиш мумкин?

Уқувчи: — Бунинг йўли осон. Уртада нифоқ чиқмаслиги учун уни компот қилиш керак.

УДДАБУРОН УЎИЛ

— Наҳотки мактабингда ҳеч

нарсаси бўлганми? — деб сўради ота ўғлидан. — Доим менга савол берганинг берган. Агар сендайлигимда отамга шунча савол берганимда нима бўларди?

— Нима бўларди, ўшанда кўп нарсани билиб олардингиз, бугун эса мен берган саволларнинг кўпчилигига жавоб бера олган бўлардингиз...

«ИККИ ДУНЁДА ҲАМ
ИШОНМАЙДИЛАР»

Шодмон ширинлик дўконига кириб, сотувчидан сўради:

— Менга куйган тортдан торттиб беринг.

— Куйган тортни нима қиласан? — сўради сотувчи.

— Куймаганидан олсам, ойим мен тайёрлаганимга икки дунёда ҳам ишонмайдилар.

«КУЧУГИМИЗ ЕБ ҚЎЙГАН
БЎЛАРДИ»

— Ўғлим, қарамдан қиймани ажратиб ема. Агар билсанг, бу йил қарам чунонам ширин бўлиб етилганки, уни бир татиб кўрсанг, ўзинг ҳам ишонч ҳосил қиласан.

— Ойижон, қарам сиз айтганчалик ширин бўлганда кучугимиз даладаги қарамларни битта қолдирмай еб қўйган бўларди.

«УЙГА ОЛИБ
КЕТМОҚЧИМАН»

— Изғиринда бу ерда нима кип турибсан? — сўради йўловчи симёғоч остида турган боладан.

— Дўкондан сут олиб кетаётгандим. Йиқилиб идишни синдириб қўйдим. Сут музла-

са уни олиб кетмоқчиман.

«ХАРИДОРНИНГ КЕРАГИ
ЙЎҚ»

— Ойижон, мен катта бўлсам, албатта торт сотадиган дўкон очаман.

— Дўконни қаерда очмоқчисан?

— Одамлари сийрак бўлган бирон бир қишлоқ жойда...

— Чекка жойда харидорлар бўлмайди-ку?

— Уларнинг менга кераги йўқ-да.

ҚИШДА ҚОР ЁГАДИ

Сайёҳ кўчада кетаётган болани тўхтатиб сўради:

— Ҳой бола, менга қара, бу шаҳарда доим мана шундай ёмғир ёғиб турадимиз?

— Йўқ, амаки, қишда қор ёғади...

М. ТИЛЛАЕВ.

Спорт


СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентда МДХ мамлакатлари дзюдочиларининг ўзaro беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Украина, Туркменистон республикаларидан таклиф этилган юзга яқин полвонлар куч сиなしшди. Икки кун давом этган торттишувда совриндор-

лар аниқланди. Улар орасида Ўзбекистон шон-шухрати-ни ҳимоя қилган спортчилар кўпчилигини ташкил этдилар.

Суратда: кураш майдонида ҳал қилувчи баҳс иштирокчилари.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.

ҚИЗИҚАРЛИ
БЕЛЛАШУВ

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ИИБ биринчилиги учун қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақа якунланди.

Тўрт кун давом этган ушбу беллашувда 20та командадан жами 107 нафар спортчи иштирок этди. Олти вазн тоифада ўтган бу «жанг»да қўйидагилар шахсий биринчиликда ғолиб чиқдилар:

М. Валиев (Тошкент вилояти ИИБ), А. Холдоров (ИҚБ), И. Норматов (ДАНБ), Ф. Маматов (Жиззах вилояти ИИБ), А. Қодиров (Тошкент шаҳар ИИБ), ва Х. Қосимовлар (Олий милиция мактаби).

Биринчи ўрин соҳиблари ИИБнинг I даражали ёрликлари ҳамда 200 сўм пул мукофоти билан тақдирландилар. С. Иванов, Ш. Зоҳидов, Ш. Очилов, Д. Умаров, М. Тўйчиев, А. Шокиров ва Н. Қайипов каби қўл жанги усталари биринчилигининг фахрий ўринларига сазовор бўлдилар.

Умумкомандалараро эса Тошкент вилояти ИИБ командаси биринчи, Тошкент Олий милиция мактаби иккинчи, Самарқанд вилояти ИИБ спортчиларига учинчи ўрин насиб этди.

О. ЮСУПОВ.

Бу қизик

Айбдор жазоланди

1474 йили Швейцариядаги Базел шаҳрида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа рўй берди — хўрозни суднинг қора курсисига ўтқазинишди.

— Судланувчи тухум туққанлиги учун айбланади, — деди суд ҳайъати раиси. — Манави ариза хўрознинг эгасидан тушган. Унда айтилишича, хўроз қутилмаганда тухум қўйган. Бунинг аризачи ўзига иснод деб билади. Судга учта гувоҳ таклиф этилган. Ҳозир уларни тинглайсиз.

Қўрқувдан дир-дир титраб суд залига кирган деҳқонлар шу пайтда ҳар қандай қўрғазмани тасдиқлашга тайёр туришарди.

Хўроз ўлим жазосига маҳкум этилди. Ҳукм ўша заҳоти ижро этилди.

Т. МУРОДОВ,
тайёрлаган.

ЭЪЛОН

Рус тили ва адабиёти илмгоҳи томонидан 1987 йил 27 мартда Хосият Жумаева-на Ражабова номига берилган КВ серия 830530 сонли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкентдаги 49-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Иноғомов Фаррух Акбархўжаевичга берилган № 514597 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги 241-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Мирдадаев Рустамжон Юсуфжонович номига берилган Д № 785635 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ш. Г. Бакиров ҳақида бирор маълумотга эга кишилардан 76-75-72, 78-20-71 ёки яқин орадаги милиция бўлимига телефон қилишларини сўраймиз.



ҚИДИРИЛМОҚДА

уйи. У шу йилнинг 22 мартда бедарак йўқолган.

БЕЛГИЛАРИ: бўйи — 130 см, юзи чўзинчоқ; сочлари қалта, тўғри таралган; кўзлари қора; қошлари ёйсимон

АЛОҲИДА БЕЛГИЛАРИ: кўр ичакдан жарроҳ тигининг жароҳати бор.

УСТ-БОШИ: гулдор халат, оқ футболка, кулранг пойабзалда бўлган.

А. Г. Иванова ҳақида бирор нарсадан хабардор бўлганларни 76-75-72; 78-20-71 телефонга ёки яқин орадаги милиция идораларига телефон қилишингизни сўраймиз.


Тошкент шаҳар ҳокимияти Чилонзор РИИБ томонидан 1963 йилда туғилган, Тош-

кент шаҳар Чилонзор мавзеи, К. Шарипов кўчаси, 3-тор кўча 81 ўйда яшовчи Шамиль Галимович Бакиров қидирилмоқда. У 1992 йил 19 июнь кунини машинасида чиқиб кетганича уйига бошқа қайтиб келмаган.

БЕЛГИЛАРИ: Бўйи — 170 см., юзи тўғрибурчаксимон, сочлари, кўзлари ва мўйлаби қора, қоши ҳам қора, лекин сийрак.

АЛОҲИДА БЕЛГИЛАРИ: чап томонидagi тўртта тиши сариқ металл билан қопланган.

УСТ-БОШИ: ўша кунини жигарранг ип газламали шим, оч рангли кўйлак ва майка, синтетик пайпоқ ва кўк кроссовкада бўлган.



Тошкент шаҳар Чилонзор РИИБ томонидан 1981 йилда туғилган Анна Геннадиевна Иванова қидирилмоқда. Турар жойи: Тошкент, Чилонзор мавзеи 22-болалар

«ПОСТДА»

Мухаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-


босари — 39-77-23, мух-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлими —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопат-

тин кўчаси, 1.

* Кучириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти

«Шарқ» нашриёт-матбаачилиги

концерни босмаҳонаси.

700083, Тошкент,

Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида,

А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

13.002 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г—249.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11